Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 9 август, чоршанба • № 63 (10.739) • Эркин нархда сотилади

БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН АМАЛДА

4 август куни Вазирлар Маҳкамасида зарар келтираётган корхоналар хўжалик-молия фаолиятини кўриб чиқиш бўйича ҳукумат комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қошидаги пул-кредит сиёсати комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, республика ва вилоят банклари, молия ва солиқ органлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 17 июлдаги «Банкротлик тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги «Экспорт-импорт операцияларининг валюта назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 1995 йил 11 апрелдаги «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солишнинг қўшимча чора-тадбирлари ҳақида»ги Фармонларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар ҳақида»ги Фармонини бажариш масалалари ва ўзга масалалар муҳокама қилинди.

Комиссиялар айрим вазирликлар, идоралар ва уюшмаларда зарар келтирувчи корхоналар ва ташкилотларни тугатишда, экспорт-импорт операцияларидан валюта тушумини таъминлашда ва бошқа масалаларда жиддий камчиликлар борлигини таъкидлади.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

«ПАХТА-БАНК»НИНГ ТАЪСИС МАЖЛИСИ

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттириш катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси «Ихтисослаштирилган акционерлик — тижорат «Пахта-банк»ни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Ана шу қарорни бажариш йўлида 7 август куни Ўзбекистон деҳқончилик саноат банки — «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» негизида ташкил этилган «Пахта-банк»нинг таъсис мажлиси бўлди.

Ўзбекистон деҳқончилик саноат банки бошқаруви раиси Ж. Сайфиддинов банкнинг 1995 йил биринчи ярмида амалга оширган ишлари тўғрисида ҳисобот берди. Тафтиш комиссияси раиси Н. Ҳамидовнинг ярим йиллик якунлари ҳақидаги ахбороти ҳам тингланди.

Мажлисда ихтисослаштирилган янги банкнинг ташкил этилиши мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш, хусусан, пахтачилик ва унга боғлиқ соҳаларга кўрсатилаётган банк хизмати даражасини оширишда муҳим омил бўлиши таъкидланди.

«Пахта-банк»нинг низоми қабул қилинди. Банк кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолари сайланди. Ж. Сайфиддинов ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк» бошқарувининг раиси этиб сайланди.

Таъсис мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сўзга чиқди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов, Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этди.

(ЎзА).

ЎҚУВЧИЛАРГА ИМТИЁЗ

«Ўзбексавдо» давлат-акционерлик уюшмаси ҳамда Ўзбекбирлашув бошқаруви жойларда мактаб бозорларини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Республикамиз мактаб ўқувчилари учун «Ўзбексавдо» тизимида очилажак 230 дан зиёд ҳамда Ўзбекбирлашувнинг 480 га яқин мактаб бозорлари шу йилнинг 10 августидан 10 сентябригача аҳоли хизматида бўлади.

Бу йилги мактаб бозорини ташкил этишдаги муҳим янгилик шундаки, жойларда очилган ярмаркаларда ўқувчилар учун зарур айрим жиҳозлар 30 фоизгача арзонлаштирилган нархларда сотилади. Мактаб формалари ва ўқувчилар пойабзаллари, жилд ҳамда дафтарлар шулар жумласидандир. Ўтган йилгидан фарқли ўлароқ ўқув қуроллари учун илгари жорий этилган талон тизими бекор қилинди. Мактаб бозорларидан керакли буюмларни харид қилишда фуқаролардан энди ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди.

— Уюшмамиз янги ўқув йили муносабати билан 180 миллион сўмлик товарни сотувга чиқаради. Унинг айрим турларини арзон сотиш эвазига бизга 6,4 миллион сўм, Ўзбекбирлашувга эса 418 миллион сўмлик товар эвазига 38 миллион сўм маблағ қам тушади. Буни келажагимиз эгалари бўлган болаларга ҳукуматимизнинг байрам совғаси сифатида қабул қилмоқ жоиз. Зеро, болалар учун сарфланган ҳар бир сўм зое кетмайди, — дейди «Ўзбексавдо» давлат-акционерлик уюшмаси раисининг ўринбосари Улуғбек Набиев.

ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

МАЪЛУМКИ, шу йилнинг 29 июль куни Президентимиз Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «1995 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва уларни янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар, пул муомаласи ва халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг аҳволи тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Тошкент вилояти фаоллари ҳам куни кеча бўлиб ўтган ўз йиғилишларида юртбошимизнинг ана шу мавзудаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида батафсил гаплашиб олдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, саноат корхоналари, жамоа хўжаликлари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва бирлашмалар раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Э. М. Рўзиев маъруза қилди.

Нотиқ ўз нуткида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, уни ҳақиқий эгалари қўлига етказиш жараёни, шу йилнинг биринчи ярмидаги иш якунлари ҳақида гапирар экан, эришилган ижобий натижалар, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар хусусида батафсил тўхталди. У фаоллар эътиборини, шунингдек, миллий валютамизнинг қадрини ошириб боришга, нақд пул эмиссиясини тезлик билан тартибга солишга қаратди.

Вилоят ҳокими ва сўзга чиққан фаоллар юқоридаги масала билан биргаликда, республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг «1995 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, таклиф, истакларини баён қилдилар, вилоят пахтакорлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирдилар. Улар бу борадаги ишларни талаб даражасида йўлга қўйиш, юқори ва сифатли ҳосил олиш, теримчиларни моддий рағбатлантириш, хўжаликларни нақд пул билан таъминлаш, пахта териш техникасини мавсумга тўлиқ тайёрлаш, терим машиналаридан унумли фойдаланиш ва бошқа муҳим масалалар хусусида ҳам сўзладилар.

Фаоллар йиғилиши ишида республика Президенти девонининг масъул ходими А. Маматов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида Тошкентда чоп этилаётган барча газеталар босилади. Матбаачилар республикамиз Мустақиллиги байрамини муносиб кутиб олишга бел боғлаганлар. Уларнинг шиори — газеталарни ўз вақтида сифатли қилиб чиқаришдан иборатдир. Суратда: босмахонанинг газета босиш цехи акс эттирилган.

Даврон АҲМАД олган сурат.



ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ЎРИНЛАР КЎПАЙМОҚДА

ШАҲАРДА янги иш ўринларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шаҳар ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар бу муҳим ишни олдиндан аниқ режалаштирилган «Бандлик» дастури асосида олиб бормоқдалар. Унинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган ва бориши манфаатдор идоралар иштирокида тез-тез муҳокама қилинмоқда.

Шу туфайли ҳам дастур зиёдаси билан амалга оширилмоқда. Йилимизнинг ўтган ойларида янги барпо этилган ишчи ўринлари сони мингтага яқинлашиб қолди. Бу «Бандлик» дастурида шу муддат учун очилиши назарда тутилганидан деярли уч юз ўрин кўпдир.

Бунга мавжуд саноат корхоналарида янги ишчи ўринлари барпо этиш, янги кичик корхоналар, цехлар, филиаллар, ширкатларни ташкил этиш туфайли эришилди. Шуни айтиш кифояки, уч юз нафар атрофидаги чирчиқликлар хусусий корхоналарга ишга қабул қилинди, янги кичик корхоналар ва ширкатларда эса 110 га яқин киши меҳнат жабҳасига жалб қилинди.

... Яна бир хушхабар. «Трансформатор» ҳиссадорлик жамияти жамоаси шаҳардаги қатор мактаблар ва мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини оталиққа олган эди. Ёш авлодга таълим бериш ва уни тарбиялаш билан шуғулланувчи бундай масканлар трансформаторсозларнинг ёрдамидан хурсандлар. Уларни таъмирлаш, турли зарур анжомлар билан жиҳозлашда корхона жамоаси фаол қатнашди. Ўзининг ёрдамини ҳеч вақт аямади.

Яқинда бундай ҳомийлик муносиб тақдирланди. Ҳиссадорлик жамияти раиси, республика Олий Мажлисининг депутати Р. Саримсоқовга республика Халқ таълими вазирлигининг «Халқ таълими ҳомийси» деган нишони топширилди.

М. СОБИРОВ,
Чирчиқ шаҳри.

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Бўка тумани марказида барпо этилган фахрийлар боғида кундузги стационар очилди. Эндиликда бу ерга ташриф буюрган қариялар ҳордиқ чиқариш билан бирга зарур тиббий муолажаларни олиш имкониятига эга бўлдилар. Боғда ташкил этилган шоншуҳрат музейи ҳам бойиб бормоқда. Улар туман уруш фахрийларининг оловли йиллардаги жасорати-ҳақида сўзлайди.

***

Ангрен шаҳрида Мустақилликнинг тўрт йиллигига тайёргарлик доирасида ўтказилган шанбаликда ўн беш мингдан ортиқ киши қатнашди. Шу куни маҳаллалар, кўча ва ҳиёбонларни ободонлаштириш ишлари ҳам амалга оширилди. Меҳнат жамоаларида ишлаб топилган пул ҳисобига, жумладан, 150 нафар уруш фахрийси учун байрам совғаси ҳозирланмоқда.

Байрам арафасида фахрийларга хизмат кўрсатувчи «Фахрий» кичик корхонаси ишга тушади.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

БАЙРАМ ЯРМАРКАСИГА...

АЙНИ КУНЛАРДА сабзавот пайкалларида, боғ-роғларда ғарқ пишиқчилик. Деҳқонлар мустақиллик байрами шарафига фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Эндиликда улар бу ноз-неъматлардан шаҳарликларнинг бахраманд бўлиши учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар. Бу соҳада Тошкент туманида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Туманда мустақиллик ярмаркасига маҳсулот жўнатиш анча эрта бошланди.

— Ярмаркада, — дейди Тошкент агрофирмаси бош директорининг ўринбосари Баҳодир Боймуҳаммедов, — туманимиздаги ўн иккита хўжаликнинг ҳаммаси фаол қатнашмоқда. Юнусобод туманидаги Юнусобод бозорига кунда 30-35 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — мева, сабзавот, картошка, гўшт ва бошқа ноз-неъматлар жўнатилмоқда. Тўлабий номли, Охунбобоев номли, «Ўзбекистон», Собир Раҳимов номли, Ғиёс Умаров номли жамоа хўжаликлари деҳқонлари, айниқса, мўл ва сифатли маҳсулот жўнатиб, шаҳарликларнинг миннатдорчилигига сазовор бўлмоқдалар.

Ярмарка савдосида — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан шаҳарликларни таъминлаш соҳасида бошланган бу ишда узилиш бўлмайди, дейиш мумкин. Чунки, ҳар бир хўжалик ўз имкониятини ҳисобга олиб, белгиланган режа асосида, боғ-роғлардан чиқадиган маҳсулотни расамади билан жўнатиб турипти.

Н. ИСАЕВ.

ДЎКОНЛАР, ТЕГИРМОН, ҚЎШМА КОРХОНА

БЕКОБОД тумани маркази Зафар шаҳарчаси Мустақиллик байрамининг яқинлашиб келаётган тўрт йиллиги арафасида янада гўзал манзара кашф этди. Бу ерга Тошкент — Бекобод шох йўли ёқасида, ўндан ортиқ янги савдо расталари қад кўтарди. Қишлоқ аҳолисига жуда катта қулайликлар яратиб берган бу савдо-сотиқ дўконлари Мустақиллик байрами бўсағасида очилади.

Тумандаги энг йирик жамоа хўжаликларидан бири «Далварзин» жамоа хўжалигида эса шолини оқлаш ва ун тегирмони фойдаланишга топширилди. Энди дала меҳнаткашлари бу йилги ғалла ўрим-йиғимини мавсумида меҳнат ҳақига жамғарган дон-дунларни узоққа қатнаб юрмай шу ернинг ўзида ун қилиб тортиб оладилар.

«Далварзин» моторларни таъмирлаш заводи тадбиркорлари катта истиқбол режаларини белгилашган. Яқинда ана шу режалардан бири амалга ошди. Бу ерда Ўзбекистон — Тожикистон қўшма корхонаси очилди.

Тракторлар учун эҳтиёт қисмлари ва кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бу корхонада 15-20 нафар киши янги иш жойлари билан таъминланди.

Ҳ. НОСИРОВ.



Янгийўл туманидаги А. Ортиқов номли жамоа хўжалигида бу йил боғ-роғларда ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Айни кунларда боғбонлар бу ҳосилни териб, саралаб шаҳарликларга етказиб бериш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса, 14 гектарлик майдонда олхўри ҳосили баракали ва салмоқли бўлди.

Суратда: (чапдан ўнга) жамоа хўжалиги раиси Миробид Мирбобоев, бригада бошлиғи Раҳмон Юсупов ва боғбон Сафра Саминовалар ҳосил чўғидан мамнундирлар.

Ҳ. Мирзакаримов олган сурат.

«БЎСТОН» ДАЛАЛАРИДА

Зарбдор 45 кун

БУНДАН уч йилча аввал Бўка туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалиги ҳақида гап борганда айримлар мийиғларида кулиб, «оёққа туриши қийинов» деган маънода кўз уриштириб қўйишар эди. Сурункасига бир неча йил кўп тармоқлар бўйича режани уддалай олмай келган хўжалик тўғрисида суяги мехнатда қотган фахрийлар астойдил жон куйдиришди. 1993 йилнинг эрта баҳори эди ўшанда. Улар қизғин давом этган бир йиғилишда раҳбар кадрларни сергайрат, элга чин меҳр қўйган кишилар билан алмаштириш керак, дея қатъий туриб олдилар. Отахонлар сўзлари ерда қолмади. Айни пайтда одамларни, заминни ўйлайдиган ўтюрак йигитлар номларини ҳам раҳбарликка ўзлари кўрсатдилар. Ўша мажлисда Юсуф Валиев — бошқарув раиси, Анвар Султонов — бош ҳосилот этиб сайланган эдилар.

Йил бўйи қилинган меҳнат чиндан ҳам муваффақият кадрларга боғлиқ эканлигини кўрсатди. Давлатга 2,5 минг тоннадан зиёд пахта топширилди ва хўжаликда йиллик режа адо этилди.

— Бунга биз ерга муносабатни ўзгартириш билан эришдик, — дейди раис. — Кўп йиллар давомида пахта илмини пухта эгаллаган Бойтўра Кўчқоров, Аҳмад ота Саидов сингари фахрийлар, Мирзамурод Холмуродов, Ўринбой Норқўзиевдек бўлим бошқарувчилари билан маслаҳатлашиб, иш юритдик. Ҳар гектар майдонга 30—40 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Энг яхши сувчилар, механизаторлар танланди.

Қарабсизки, ишлар юришиб, иқтисодимиз ривож топа бошлади.

Хўжаликнинг анча йиллардан кейинги бу муваффақиятига «тасодиф» деб қараганлар ҳам бўлди. Ўтган йили эса ана шундай шубҳага борганлар бошқарув аъзоларини гуманда давлатга пахта топшириш йиллик режасини тўртинчи бўлиб бажарганликлари билан табриклашди.

Қишлоқда ислоҳотларга кенг йўл очилганлиги, деҳқоннинг ўз эркли ўзига бериб қўйилганлиги тумандаги кўпгина хўжаликлар каби «бўстон»ликларни ҳам шижоат билан ишлашга даъват этмоқда. Жамоа аъзолари бу йил дастлабки самаралардан хурсандлар. Давлатга пилла, ғалла топшириш йиллик режалари қисқа муддатларда ортиғи билан адо этилди. 1100 гектар майдонга қадалган чигит униб чиққанидан бошлаб талаб даражасида парвариш қилиниши, ўз вақтида озиклантирилиши туфайли ниҳоллар дуркун ўсди. Ҳар тупда 10—14 тадан, баъзиларида эса 25 тадан етарли таъминланиб келяпмиз. Пенсионерлар эса давлатдан олаётган маблағларидан ташқари жамоа хўжалигидан ҳам ички пенсия билан таъминланмоқдалар.

Дарҳақиқат, шундай. Бу йил жамоа хўжалиги аъзоларига 80 тонна ёғ, 200 тонна ун, 50 тоннадан зиёд маргарин ва бошқа маҳсулотлар берилди. Уй қурувчиларга эса 10 минг дона шифер, 150 тонна цемент тақсимланди. Хўжаликни газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш ниҳоясига етмоқда. Режада белгиланган йўллар асфальтланмоқда. Эндиликда «бўстон»ликлар ўзларининг бозорларига, қўш тегирмонларига эгалар. Бу ерда бир қатор кичик корхоналар фаолият кўрсатиб турипти.


Хўжаликнинг моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида мавжуд тракторлар, комбайнлар ёнига яна тиркамали 20 та трактор қўшилди. Россия, Украина шаҳарлари билан алоқа боғлаш натижасида техника сони ортиб бораётир.

— Биз эришаётган ютуқларнинг ҳаммаси юртбошимизнинг қишлоқ иқтисодиётини, маданиятни янада юксалтириш борасидаги фармонлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш тўғрисидаги қарорларини изчил амалга оширилаётгани, аъзоларимизнинг астойдиллик билан ишлаётганликлари самарасидир, — деди раис суҳбатни давом эттириб. — Биз гектаридан олинадиган пахта ҳосилдорлигини 1993 йилга нисбатан 1994 йилда бирмунча оширган эдик. Бу йил ўттизни мўлжаллаб турибмиз. Бутун куч ва ғайратимиз шунга қаратилган.

Шу кунларда «бўстон»ликлар бу маррани эгаллаш иштиёкида берилиб меҳнат қилмоқдалар. Интилганга эса, шубҳасиз, толе ёр бўлади.

С. ҲАСАНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Мустақиллик байрами олдидан

ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА ҲАЁТ СИНОВИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — амалий фаолиятимизда

Уч йилдан ошдики, бой тарихий, маданий-маънавий ва ҳуқуқий меросга эга бўлган халқимиз мустақилликнинг ҳаётбахш нурларидан баҳраманд бўлмоқда. Эркин ва ҳур мамлакатимизда республикамизнинг биринчи Конституцияси қабул қилинган кундан буён кўп вақт ўтгани йўқ. Лекин, унинг инсонпарвар, одил, истиқболи ёрқин Қомус эканлиги амалда ўз исботини топаётир. Конституциямиз кўплаб хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилиб, омма орасида кенг муҳокама этилиб, меҳнаткашлар томонидан билдирилган истаклар ҳисобга олиниб дунёга келганлиги учун ҳам ҳар биримизнинг қалбимизга сингиб бормоқда.

Тараққиёт борасида ўзига хос йўлни танлаган Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий тамойиллари мазмунини мужассамлаштирган Қомусимизда давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, қонун устиворлиги ташқи сиёсат, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари, жамият ва шахс ўртасидаги муносабат, давлат тузилиши, давлат ҳокимиятининг ташкил этилишига дахлдор кўплаб қоидалар ўзининг чуқур ифодасини топган.

Биз бугун Конституциянинг иккинчи бўлимида батафсил акс этган инсон ҳуқуқлари тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хос хусусиятларидан бири шу бўлдики, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини баён қилишда «Инсон ҳуқуқлари» халқаро декларацияси, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эътироф этилган услублар Қомусимизга асос қилиб олинди.

Конституциянинг 5-бобидан бошлаб 12-бобигача ана шу ҳуқуқ ва бурчлар нималардан иборат эканлиги тўғрисидаги қоидалар баён этилади. Айни пайтда фуқароларнинг ҳуқуқий кафолатлари ҳам аниқ ва равшан белгилаб берилади. Бу қоидалар билан танишган киши Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» китобида таъкидлаганларидек, «Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон» деган фикр қомусга сингдириб юборилган.

Бизнинг истиқлолга юз тутган республикамизда яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг энг муқаддас руҳий бойлигидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади ва у тегишли жазосини олади. Бу шунчаки сўзлар эмас. Ўзбекистон аҳли яқинда ойнаи жаҳон орқали Тошкентнинг Дендропаркида бебошлик қилиб, бир-бирига ўқ отган, оқибатда бир неча кишининг ўлимига сабабчи бўлган икки гуруҳ қилмиши тўғрисидаги тасвирни кўрди. Қатор оилалар бошига мусибат солган бу фожиа ташкилотчилари муносиб жазоларини олдилар. Қотилликда айбланганлар эса ўлим жазосига ҳукм этилдилар. Ана шунинг ўзиёқ Конституциямиз амалда ишлаётганидан далолатдир. Ё бўлмаса Қомуснинг «Сиёсий ҳуқуқлар» деб номланган 8-бобидаги 32-моддани олиб кўрайлик. Унда «Ўзбекистон республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш — ўзини-ўзини бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади» дейилади.

Халқимиз бу қоида ижросини яқинда ўз ҳаётида яққол кўрди. 1994 йил 25 декабрда энг муносиб, энг ишончли вакилларимизни республика Олий Мажлисига депутатлар этиб сайладик. Улар яъни халқ вакиллари давлатни бошқармоқдалар. Республиканинг ёрқин келажагини ўйлаб, сессияларда турли юридик ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Олий Мажлиснинг шундай ҳужжатлардан бирини, яъни республика Президентининг ваколатини 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги (умумхалқ референдуми ўтказиш тўғрисидаги) қарорини халқимиз якдиллик билан қўллаб-қувватлади ва умумхалқ овоз бериши муваффақиятли ўтди.

Асосий Қомусимиз изчил равишда фаолият кўрсатаётганлигига жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» бобида «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлган ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга» — дея ифодаланган 39-модда мавжуд.

Дарҳақиқат, давлатимиз бу борада фуқароларга катта ғамхўрлик кўрсатаётганлигига ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Истиқлол йиллари ичида пенсиялар 7 марта ошди. Бундан ташқари, Президентимизнинг ташаббуси ва фармони билан ташкил этилган маҳалла жамғармалари орқали қанчадан қанча оилалар моддий қўллаб-қувватланмоқдаки, бу мавзуда ким билан суҳбатлашманг, чин дилдан юртбошимиздан, ҳукуматдан миннатдор эканлигини изҳор этади.


Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлигининг кафолатланиши тўғрисидаги қоидалар — Конституциянинг бош мақсади инсон манфаатига қаратилганлигини кўрсатади.

Қомусда баён этилган фуқароларнинг бурчлари ҳақидаги қоидалар ҳам аниқ адо этилмоқда. Масалан, тарихий, маънавий ва маданий меросимизни авайлаб-асраш, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, солиқлар ва маҳалла йиғимларини ўз вақтида тўлаш, республикамизни ҳимоя қилиш , қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ва муқобил хизматни ўташ каби бурчлар шулар жумласига киради.

Республикамиз Конституцияси халқимизнинг умумий ақлий идроки самарасидир, унда ҳурият йўлидан бораётган, одил, мустақил давлатимиз қудратини мустаҳкамлаш, элимиз фаровонлигини таъминлаш, юртимизда қадр топган тинчлик, хотиржамлик, осойишталикнинг қадрига етиш иштиёқи билан тўлиб-тошган Ўзбекистон фуқаросининг орзу-умидлари, ниятлари мужассам. Конституциямизнинг жамиятимизда ислоҳотларни давом эттириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган ҳуқуқий асосларга эгалиги, айниқса, инсон ҳақ-ҳуқуқлари эркинлигининг кафолатланиши билан жаҳон ҳамжамияти наздида юксак обрў-эътибор топмоқда.

И.ЖЎРАЕВ,
Ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Тадбиркорлик — давр талаби



РАҲМАТ АКАГА РАҲМАТ!

(Лавҳа)

ХАЛҚИМИЗДА «Дўст бошга қарайди», деган мақол бор. Раҳмат ака бошга кийиладиган «Қўлинг ўргулсин» телпаклар тикиб эл оғзига тушди. Унинг меҳр қўшиб тиккан бош кийимларини кийган мижозларнинг ҳаммаси «Қўлингиз дард кўрмасин, Раҳмат ака!», дейишади мамнуният билан. Унинг Чиноз шаҳри бозорига кираверишдаги дўконидан харидорлар аримайди.

Лекин, ҳар гал ишга бориш ва уйга қайтишда ичи-ичидан бироз ранжирди: шундоққина уйининг ёнгинасида жойлашган шаҳар ҳаммоми қаровсиз ҳолга тушиб қолган, одамлар бу ҳаммомга киришдан кўра қўшни хўжаликлардаги саранжом-саришталарига боришни афзал кўришарди. «Қанийди уни менга беришса, гулдек қилиб элдан савоб олардим», деб дилидан ўтказарди кўпинча Раҳмат ака.

Фаришта омин деган эканми, бу ният ҳам амалга ошди. Шу орада ҳаммом туман коммунал хўжалик бўлимидан маиший хизмат кўрсатиш комбинати тасарруфига ўтди. Ўша пайтдаги комбинат директори Иван Яковлевич Страшко Раҳмат акани ҳузурига чақириб, ўзи гап бошлаб қолди.

— Раҳматжон, шу ҳаммомни бир обод қилиб бер. Унинг аҳволи ночорлигини биласан.

— Ие, Иван ака, уни эпақага келтиришнинг ўзи бўлармиди?! Одам ҳаваси келадиган ҳолатга келтириш учун анча-мунча сарф-харажат қилиш керак?

— Ҳаражатни бизга қўйиб бер. Иш бошида бўлсанг, бас, Маблағдан қочмаймиз. Фақат шу ҳаммомни рисоладагидек қилиш керак. Мақсад — шу!

— Ундай бўлса розиман. Дўконни ҳам тебратавераман.

Шундай қилиб у ҳаммом мудири бўлиб қолди. Дарҳол уни таъмирлаш, аниқроғи, қайта қуришга киришди. Ишни қозонхонадан бошлади.

Бу ёқда ички қувурларнинг ҳам бир мунчаси яроқсиз чиқди. Улар янгилари билан алмаштирилди. Ҳатто, ҳаммомда мижозлар навбат кутиб турадиган жой ҳам йўқ эди. Қишли-қировли кунларда ёмғирпана, ёзда тер қотгунча бироз дам оладиган, жилла қурмаса, сўри каби жой ҳам лозим. Бу ишларни амалга оширмаса, ҳаммом эскилигича қолаверади. Ишга киришилди. Ҳаммомнинг олд томонидан бор бўйича узунликда 3 метр кенгликда алоҳида хона ва кутиш зали қурилди. Кассага ҳам кутиш залидан жой берилди. Аввалги кассирхона ва унинг ён бошидаги жой қайта жиҳозланиб, қўшимча иккита номерли хона қурилди. Яроқсиз чиққан қувурлардан эса устига шифер ёпилган ёмғирпана — очиқ айвон тикланди. Ҳаммом кўрки очилди. Мижозлар кўпая бошлади.

Раҳмат ака бу билан тўхтамади. Мундоқ қараса, топилган ярим маблағ чиқинди сувни машиналарда ташиш учун кетяпти. У ҳаммом учун алоҳида трактор харид қилиш таклифи билан чиқди. Уни ҳамма маъқуллади. Трактор олиниб, тракторчи ёлланди. Натижада харажат кескин камайди.

Ҳаммом қозонхонаси кўмирда, соляркада ишларди. Нефть маҳсулотлари нархи кўтарилгач, бу ҳам наф бермай қолди. Яна мудирнинг саъй-ҳаракатлари, югур-югури билан ҳаммом табиий газга ўтказилди.

Раҳмат ака «бизда ҳам шаҳардаги каби сауна, ҳовуз бўлса яхши бўларди», деган фикрга келди.

Ҳадемай еттита номерли сауна ва битта катта сауна, дам олиш залидан иборат мажмуа ҳам ишга туширилди. «Саломатлик маскани» деб номланган бу мажмуа меҳнаткашлар ўртасида машҳур бўлиб қолди.

Энди ҳаммом ростмана хизмат кўрсата бошлаган эди. Кутиш заллари мижозлар ихтиёрида. Мудир ўт ёқувчилар учун ҳам қулай шароитлар яратиб берди. Улар учун алоҳида дам олиш-ювиниш хонаси жиҳозлаб берилди.

— Маиший хизмат соҳасида ишлаётганимга чорак асрдан ошди. — дейди Р. Миразимов. — Шундан беш йил шапка цехида ишладим, 20 йилдирки ҳаммомда ишлаяпман.

— Раҳмат ака, — мижозлардан бири бир кун уни гапга тутди, — сауна учун раҳмат. Аммо хонадонингиз аъзолари сомса бобида уста ҳисобланишади. Мана шу чинорлар тагида сомсахона қилиб, яна бир миллий таомлар, айниқса, ҳаммомдан кейин яхши кетадиган шўрва милтиллатиб қўйилса, яхши бўлармиди?

Раҳмат ака бу тадбир шу вақтгача хаёлига келмаганига ўзини койиб ҳам қўйди. Дарҳол ишга тушиб кетди. Ҳаммом ёнида чойхона қурилди. Чой билан иссиқ сомса танаввул қилиш, тер қотгунча дам олиб, чойхўрлик қилиб ўтириш мумкин бўлди. Режада бу ерда лағмон, кабоб ҳам тайёрлаш кўзда тутиляпти.

«Гулзоробод» жамоа хўжалиги ҳаммоми ҳам кейинги йилларда қаровсиз қолганди. Хўжалик бошқаруви раиси М. Р. Абдукаримов Раҳмат акага мурожаат қилди.

— Сиздан илтимос, бизнинг ҳаммомда ҳам ишни юргизиб юборишга ёрдамлашинг...

Раҳмат ака ҳеч иккиланмай бажонидил рози бўлди. Югур-югурлар билан бу ерда ҳам ишни маромга солиб юборди: ҳаммомни табиий газга улатди.

— Чиноз ҳаммомини мана шундай обод жойга айлантириб қўйгани учун Раҳматжонга раҳмат, — дейди уруш фахрийси, чинозлик Шамси ота Қамбаров.

— Мен Чиноз ҳаммоми саунасининг доимий мижози бўлиб қолдим. Бу ерда барча шарт-шароитлар бор экан, — дейди қўшни республика фуқароси, Ғани Муродбоев хўжалигида яшовчи Кўпжасар Тилемесов.

— Ҳа, меҳнат таги-роҳат, дейдилар. Раҳмат аканинг кўп йиллар давомида халқ хизматини бажарганлиги, ўз ишига сидқидилдан муносабатда бўлганлиги муносиб тақдирланди. Унга яқинда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ходими» деган фахрий унвон берилди. У ўзининг саъй-ҳаракатлари шунчалик қадрланишини хаёлига ҳеч келтирмаган эди.

Раҳмат ака Миразимов бундай ғамхўрликдан боши осмонга етганлигини, бундай унвон фақат шахсан ўзи учун эмас, балки ўзи раҳбарлик қилаётган жамоа, қолаверса, Чиноз тумани коммунал хизмат хўжалиги ишчи-хизматчиларининг аҳоли турмуш шароитларини озгина бўлса ҳам енгиллаштиришга қўшган ҳиссасига берилган катта баҳодир, деб таъкидлайди.

— Бундан буён ҳам элга сидқидилдан хизмат қилавераман, — дейди у ҳаяжонини яширолмай.

Ҳа, Раҳмат аканинг эшитгани раҳмат. Бу ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Ишига, касбига фидокорона муносабатда бўлган, у билан фахрланадиган, элга хизмат кўрсатишни, унинг оғирини енгил қилишни дилига мустаҳкам жо қилган, эл манфаати йўлида тиним билмайдиган шундай инсонлар ҳурматга сазовор бўлаверади.

Ҳ. СУЛАЙМОНОВ.
СУРАТДА: Р. Миразимов.

Кутубхона — зиё маскани

МАЪНАВИЯТ ТОРОЗУСИ

«ЎЗИМИЗДАГИ барча яхши хислатлар учун китобдан миннатдорман» деган эди машҳур адиблардан бири. Чиндан ҳам китоб энг бой хазинадир. У инсонни фикран бойитади, маънан улғайтиради, камолот чўққисига етаклайди! Агар сиз ҳаётни чуқурроқ билай десангиз, китоб ўқинг. Бугуннинг сўроқларига жавоб топиб, эртанги кунни яққолроқ кўрай десангиз, китоб ўқинг. Мен узоқ йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб, сизга фақат шундай маслаҳат берган бўлардим...

Кутубхоначиман. Кўпчилик бу касб эгаларини фақат китоб тарқатиш билан шуғулланишади, деб ўйлайдилар. Йўқ, асло ундай эмас. Бизнинг зиммамиздаги масъулият юки анча оғир. Тўғри, асосий ишимиз китоб тарқатиш. Лекин биз китоб билан бирга бола қалбига зиё ҳам олиб кира олишимиз зарур. Мен китобни қайтариб олиб келган бола билан ўтириб суҳбатлашаман. Қизиқаман: у китобни қанча вақт ичида ўқиди? Китобдаги воқеаларни тушундими? Бу воқеалардан қандай таассурот олди? Яхшими ё аксинча? Унга кўпроқ қайси мавзудаги китоблар ёқади? Қаҳрамонлик ё ботирлик ҳақидаги, уруш ҳақидагими ё фантастик саргузаштлармиi? Балки у ўзига ёққан китобларни топишда қийналаётгандир? Ёрдам керакдир унга? Хуллас, бола билан суҳбат давомида шу нарсаларни билиб оламан. Шунга яраша иш тутаман. Ва натижасини сезаман, китобхонларим кун сайин кўпая боради!

Бизнинг яна бир «нозик» вазифамиз бор. У ҳам бўлса, болани китобни авайлашга ўргатиш. Болага китобни берарканман, унинг кўнглига тегмайдиган қилиб тушунтираман, китобга чизмаслик, унинг варақларини букламаслик керак. Хуллас, уни қадрлаш керак. Чунки, дўконларда китобларнинг нархи ошган, янги китоблар кўп, эски нодир асарларни эса топиб бўлмайди. Уларни келгуси авлодлар ўқиши учун ҳам асраб-авайламоғимиз керак.

Дастуримизга кўра, турли тадбирлар ҳам ўтказамиз. Болаларнинг қизиқишларини қай даражада ошириш мана шу тадбирларнинг қандай ўтказилиши билан боғлиқ бўлади. Чунки, фақат дастурдан четга чиқмай ўтказилган учрашувлар ўта зерикарли чиқиб қолиши мумкин. Биз эса бундай учрашувларга фақат болаларни эмас, уларнинг ота-оналарини ҳам жалб қиламиз. Турли қизиқарли саволлар тузиб, уларни ўртага ташлаймиз. Давра жонланиб кетади...

Дарвоқе, ота-оналар ҳақида сўз юритдик. Касбим тақозасига кўра, кўпинча ўқувчиларимнинг оналари ёки ён қўшниларим билан китоб ўқиш юзасидан суҳбатлашиб қоламиз. Улар гапларимни қизиқиш билан тинглашаётганини сезиб, баъзи китобларни ўқишни тавсия этаман. Шунда улар «Э, ўқишга вақт қани?» дейишади. Тўғри, аёлларга қийин. Иш, рўзғор, бола-чақа ташвиши... Лекин ана шу ташвишларни деб маънавий дунёмизни қашшоқлаштириб қўймаймизми, биз? Ахир, китоб биз аёлларнинг тафаккур оламимизни кенгайтиради, ақлимизни тиниқлаштириб, яшашга ўргатади! Қолаверса, фарзандларимизни келажакка мос қилиб улғайтиришда, оиладаги қийин вазиятлардан осонгина чиқиб кетишда, оилавий ўзаро муносабатларни тўғри англаб етишда, хуллас эртани фикр кўзи билан кўра олишда китобнинг роли нақадар катта!

Бир аёлни биламан. Ошхонасига кичкина радио ўрнатиб қўйган. Ошхонада юмуш қилаётган пайтда ўша радио қулоғини бураб қўяди. Мусиқа, турли суҳбатлар, янгиликлар.. Ҳамма-ҳаммасидан баҳраманд бўлади, у. Турмуш ўртоғи кўчадан олиб келган газеталарни бирров ўқиб чиқишга-да вақт топади. Ора-сира мендан китоб сўраб олиб, ўқиб туради. Ҳатто, китоб қаҳрамонллари ҳақида баҳслашиб ҳам кетамиз. Мен унинг фикрлари, ҳаётга қараши ўзгача, замонавийроқ эканини хис этаман. Чунки, у ҳамиша ўқийди... «Нимадир ўқиб турмасам, дунёдан ажралиб қолгандек бўлавераман» деди у бир куни менга. Ўйлайман: мана шу нарсани тушуниб яшашнинг ўзи катта бахт. Билимдонлик бу... Кунига ақалли «нимадир» ўқиб қўйсангиз, маънавият торозунгизга илм жавоҳири тўкилаверади» дегим келади мен ҳамма аёлларга.

Матлубахон ФОЗИЛОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги 59-мактаб кутубхоначиси.

САЙЛЛАР, КЎРИКЛАР, ТОМОШАЛАР

• БЕКОБОД. Туманда «Номинг ҳур диёр» деб номланган болалар сайли ўтказилди. Унда болалар оромгоҳларида дам олаётган ўқувчилар қатнашдилар. Сайл давомида турли мусобақалар, кўрик-танлов ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари бўлди.

• ТОШКЕНТ. Туманда «Қандай гўзал бу диёр» мавзуида бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танлов ғолиблари туман миқёсида ўтадиган мустақиллик байрами тантаналарида иштирок этадилар.

• ЯНГИЙЎЛ. Туман маданият уйи қошидаги «Қалдирғоч» цирк жамоаси мустақиллик байрамига бағишлаб тайёрлаган янги дастур асосида дала меҳнаткашларига томошалар кўрсата бошлади.

• ЎРТАЧИРЧИҚ. Туманда «Ёшлар — юртимиз келажаги» мавзусида эстафета ўтказилмоқда. Бунда Ватанимиз тараққиётида ёшларнинг иштироки, мақсад ва вазифалари ҳақида қизиқарли савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар юритилаётир.

Бекобод шаҳрининг 50 йиллиги олдидан

ДИВИДЕНТ ОЛИБ ИШЛАШ СИРИ НИМАДА?

Тошкент вилоятида дивидент олиб ишлаётган ҳиссадорлик жамиятлари кўпаймоқда. Бекободдаги «Бекободгўшт» жамияти шулар жумласидандир. Жамоа бунга қандай эришмоқда?

— Ўтган йилнинг апрель ойида очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига ўтгач, акция ўрнига қиймати юз сўм бўлган сертификат чиқардик,— дейди «Бекободгўшт» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Т. Муротов. — Мулкка эгалик ҳисси ортгач, иш ҳам юришиб кетди. Дастлабки натижалар чакки эмас. Ўтган йили 2 миллион 800 минг сўм фойда олинди ва унинг олтмиш фоизи ҳиссадорларга дивидент сифатида бўлиб берилди. Бошқача айтганда, ҳар юз сўмга уч юз сўмдан даромад тўғри келди. Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, уларга деярли яна шунча дивидент берилади.

— Маҳсулот сотишда қийинчиликлар борми?

— Бу кўпроқ нархга боғлиқ. Биз таннархни иложи борича камайтириш ва маҳсулотни арзонроқ сотишга ҳаракат қиляпмиз. Бозорнинг талаби ҳам шу. Аммо, харидор уч-тўрт сўм қиммат бўлса ҳам сифатли маҳсулот олишга интилади. Шу боис сифатга катта эътибор беряпмиз. Жамиятимизда ойига 35 тонна гўшт ва колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти. Уларнинг тури 30 тага етказилди. Учта фирма, 15 та савдо дўконимиз ишлаб турибди. Бундан ташқари, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари савдо шахобчаларига ҳам маҳсулот етказиб беряпмиз.

— Ўзаро тўлов муаммолари қандай ҳал этилмоқда?

— Президентимизнинг шу йил 15 майдаги фармони чиққанидан кейин бу борадаги қийинчиликларга чек қўйилмоқда. Эндиликда тўлов қобилиятига эга бўлган шерикларгагина маҳсулот беряпмиз. Бироқ банкда пул ўтказиш жараёни чўзилиб кетяпти. Бу ҳол ишимизга анча ҳалақит беряпти. Савдо ташкилотларида 3,5 миллион сўм пулимиз бор. Яқинда қарздор ташкилотлардан ҳақимизни ундириш учун тегишли идора ва ташкилотларга мурожаат қилдик, натижаси ёмон эмас.

Даромадимиз кўпайгани сайин жамоамиз аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш ҳам кучаймоқда. Шаҳримизда олиб борилаётган хайрли ишларга ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшяпмиз. Яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами ҳамда шаҳримизнинг эллик йиллиги тадбирларига 150 минг сўм ажратдик.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.



Бекобод шаҳридаги темир-бетон буюмлари корхонасида ариқ новлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Эндиликда у ғоят харидоргир маҳсулот бўлиб қолди. Суратда: корхонада тайёрланган бетон новлар.

М. ҚОРАБЕКОВ олган сурат.

ЕР МАЙДОНЛАРИ СОТИЛМОҚДА

БУ ЙИЛ охиригача Бекобод шаҳрида бир юз ўттизта ер майдонларини сотиш назарда тутилган эди. Шаҳар ҳокимлиги ҳамда унинг давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими кейинги вақтда бу ишга эътиборни кескин кучайтирганлиги амалда яхши натижалар бермоқда.

Шу йилнинг биринчи чорагида ер майдонларини сотиш ниҳоятда суст борган эди. Шу даврда бор-йўғи биттагина ер майдони унинг ҳақиқий эгасига топширилганди. Бу вилоят шаҳарлари ва туманлари орасида энг паст кўрсаткичлардан бири эди. Шунинг учун бу муҳим ишга нисбатан бундай лоқайдлик кескин танқидга учради. Шаҳардаги мутасадди идоралар бундан тўғри хулоса чиқариб, ер майдонларини, жумладан, иншоотларни уларнинг ер майдонлари билан сотишга муносабатни тубдан ўзгартирдилар.

Натижада бу ишда қисқа муддат ичида қатъий бурилишга эришилди. Иккинчи чорак якунлари кўнгилдагидек бўлди. Йиллик топшириқ деярли уддаланди. Йил бошидан бери эса сотилган ер майдонлари сони 125 тага етди. Бу соҳа бўйича вилоят шаҳарлари ва туманлари ичида карвонбоши бўлиб қолинди.

Шаҳарда ер майдонларини ким ошди савдоларида сотиш кенгайиб бормоқда. Йил бошидан бери 24 ер майдони шундай йўл билан ўз эгаларини топди. Бир юздан ортиқ ер майдонлари эса иншоотлари билан бирга сотилди. Бундан тушган сармоянинг анчагина қисми шаҳарнинг маҳаллий бюджетига қўшилди. Шу ҳисобдан муайян миқдордаги маблағ шаҳарни ободонлаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ишларига сарфланди. Бу ҳам шаҳарнинг қутлуғ юбилейини муносиб нишонлаш юзасидан бошланган ҳаракатнинг самараларидан биридир.

М. ҲАМИДОВ.

КЎНГИЛДАГИДЕК ҲОЛАТГА ЭРИШИШ УЧУН...

Чиноз туманида фавқулодда эпидемияга қарши кураш вилоят комиссиясининг йиғилиши бўлди

ЧИЛЛА чиққани билан ёз ҳамон ёзлигини қиляпти. Офтоб тафти тушгани йўқ, кундуз кунлари ҳамма ўзини соя-салқин жойларга уради, сув бўйларидан паноҳ излайди. Иссиқ пишиқчиликни ҳам тезлаштириб юборди. Мева, сабзавот, қовун-тарвуз ғарқ пишди. Боғларда, бозорларда тўкин-сочинлик. Ана шундай кунларда тозаликка риоя қилиш, сув ҳавзаларидан тўғри фойдаланиш, ўткир юқумли касалликларнинг олдини олиш энг долзарб вазифалардан биридир.Эпидемияга қарши кураш фавқулодда вилоят комиссиясининг яқинда Чиноз туманида бўлиб ўтган йиғилишида ана шу вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда вилоят комиссиясининг аъзолари, соғлиқни сақлаш ходимлари, тумандаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг раҳбари А. Содиқов йиғилишни очар экан, бу ғалги тадбир Чиноз туманида ўтказилаётгани сабабларини тушунтириб берди. Бу ерда аҳоли зич жойлашгани, туман атрофи ва унинг ҳудудида сув ҳавзалари сероб бўлгани сабабли аҳоли ўртасида инсон ҳаёти учун хавфли бўлган юқумли касалликлар тарқалиши мумкин.

Йиғилишда сўзлаган вилоят санитария-эпидемиология станциясининг бош врачи Р. Қосимов туманда юқумли касалликлар олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар, йўл қўйилаётган жиддий камчиликларга йиғилиш қатнашчиларининг эътиборини қаратди.

Вилоят соғлиқни сақлаш мутахассислари ўтказган текширишларда фавқулодда эпидемияга қарши кураш комиссияси маҳаллий шароитни ва эпидемиологик ҳолатни ҳисобга олиб, ишлаб чиққан дастур тадбирлари изчиллик билан бажарилаётганини аниқладилар. Вилоят ҳокими қарори билан эълон қилинган санитария, тозалаш ва ободонлаштириш икки ойлиги давомида бир мунча ишлар қилинди. Муҳими аҳоли яшайдиган жойларда саранжом-саришталик таъминланди. Шанбалик ва якшанбаликлар ўтказилиб, кўчалар, майдонлар, ховлилар супуриб-сидирилди. Аҳлат ва чиқиндилар ташиб кетилди. Булардан ташқари катта йўл ёқаларида, майдонларда, автобекатлар, тижорат дўконлари тез суръатлар билан қурилмоқда.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда ҳам анчагина ишлар қилинди. Тумандаги Охунбобоев номли, Амир Темур номли, Турсуной Охунова номли жамоа хўжаликларида, шунингдек, «Олмазор» нон комбинатида сув манбалари атрофида санитария-ҳимоя ҳудудлари ташкил қилиниб, сувни зарарсизлантириш ускуналари қуриб, ишга туширилди. Коммунал водопроводнинг 1,2 километр узунликдаги эскирган қувурлар янгиси билан алмаштирилди. Ҳар ҳафтада бир марта сувни хлор билан зарарсизлантириш ишлари олиб борилаётир. Булардан ташқари шаҳар канализациясини тартибга солиш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳам ўзининг дастлабки самарасини бера бошлади. Махсус штаб мавжуд 3 та насос станциялари ва тармоқда таъмирлаш ишларининг ўз вақтида ўтказилишини мунтазам назорат қилиб борди. Шунингдек, кейинги пайтларда туман ҳудудидаги 4 та бозорнинг 2 тасида ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари тез суръатлар билан давом этмоқда. Янги Чиноз деҳқон бозорида эса савдо расталари қурилиши ва жорий таъмирлаш ишлари авж олаётир.

Туман ҳудудларида ободонлаштириш ва санитария-тозалаш ишларини янада жадаллаштириш лозим. Соғлиқни сақлаш ва юқумли касалликларнинг олдини олиш ишлари ана шуни тақоза этаётир. Йиғилиш қатнашчилари туман аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш ҳамон муаммо бўлиб қолаётганлиги таъкидладилар. Аҳолининг 30 фоиз қисмигина Тошкент вилояти агросаноат «ТошПЭТ» бирлашмасига қарашли марказлаштирилган сув тармоғидангина ичимлик сувини истеъмол қилмоқда. Негаки, бирлашмада вилоят эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг ўтган йил 17 июнда қабул қилган қарорларини бажариш кечиктириляпти. Хусусан, «Эшонобод» жамоа хўжалиги ҳудудида ичимлик сувни зарарсизлантириш учун махсус пункт ташкил этилмади. «Чиноз» наслчилик хўжалигидан бошқа хўжаликлар бирлашма балансидан четда қолиб кетди. Ҳозир ҳам кўпгина хўжаликларда аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда узилишлар рўй бераётир. Бу эса ўз навбатида сувнинг қувурларда туриб қолиб, сифати бузилишига сабаб бўлмоқда. Йилнинг ўтган даврида «ТошПЭТ» бирлашмаси сув тармоғидан олинган 143 та синамадан 43 фоизи «Исимлик суви» талабларига жавоб бермади. Ваҳоланки, водопровод суви тармоғида қолдиқ хлор 0,3 — 0,5 миллиграмм миқдорда бўлганидагина ўткир ичак касалликларини келтириб чиқарадиган микроблар қирилиб кетиши мумкин. Афсуски, бирлашма ана шу қоидаги риоя қилаётгани йўқ.

Тумандаги «Йўлтушган», «Гулзоробод», «Олмазор» жамоа хўжаликлари, ғишт заводи, йўллар бошқармаси, Олмазор автокорхонаси, қишлоқ хўжалиги техникумида сув манбалари аянчли аҳволда, сувни зарарсизлантирадиган мосламалар қурилмаган. Ҳатто хлор воситалари захираси вужудга келтирилмаган. Бундай нуқсонлар эса ичимлик суви сифатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, тумандаги барча хўжаликларда водопроводлар қаровсиз ҳолда ётипти. Кимлардир жўмракларни бузиб олиб кетган, янгилари эса ўрнатилмаган.

Гарчи эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссияси қарорида тумандаги мавжуд коммунал водопроводларнинг барчасида ичимлик сувни сақлайдиган иншоотлар, кўтаргич насос станциялари, замонавий зарарсизлантириш ускуналари қуриш қайд этилган бўлса-да, бирор киши ана шу тадбирларни вақтида амалга ошириш тўғрисида бош қотирмади. Иншоотларнинг йўқлиги сабабли сув босими ҳамон пастлигича турипти, аҳоли онда-сондагина водопроводдан сув олишга муяссар бўлаётир. Олмазор коммунал водопровод тармоқларида қуруқ хлорнинг таъсир кучини аниқлаш, авария ҳолатларини қайд қилиш ва уларни тузатиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши махсус журналларда қайд қилиб борилмаяпти. Кўп ходимлар эса тиббий кўрикдан ўтмаётирлар.

Эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссияси йиғилишида Олмазор темир йўл станцияси ва бозор атрофларида, шунингдек Чиноздаги ишчилар шаҳарчасида ободонлаштириш ва санитария-тозалаш ишлари ғоят қониқарсиз аҳволда эканлиги таъкидланди. «Янгиобод» ёрдамчи хўжалиги ҳудудидаги туман аҳлатхонаси ҳам қаровсиз ҳолатда ташлаб қўйилган, таъмирлаш ишлари олиб борилмаяпти, санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермайди. Чиноз шаҳридаги қурилиш материаллари комбинати ҳудудидаги оқава сувларни тозалаш иншоотида сув тўла тозаланмасдан Чирчиқ дарёсига ташлаб юборилаётир. Умуман, тумандаги тозалаш иншоотларида оқава сувларни биологик усул билан тозалаш учун зарур бўлган мавжуд 4 та мосламадан фақат биттасигина ишлаяпти. Натижада оқава сувлар Чирчиқ дарёсини ифлослантирмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари «ТошПЭТ» бирлашмаси бошлиғи Ў. Содиқов, Чиноз коммунал водопроводи раҳбари З. Ҳамзаев, «Олмазор» жамоа хўжалиги раиси А. Холиқов, Янги Чиноз деҳқон бозори раҳбари Э. Қўшимовлардан санитария-гигиена соҳасида йўл қўйилаётган камчиликларнинг аниқ сабабларини тушунтириб беришни қаттиқ талаб қилдилар. Чиноз тумани ҳокими Э. Бердиев йиғилишда сўзга чиқди.

Республика вирусология илмий-текшириш институтининг раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Шобот Хўжаев ўз сўзида ўта юқумли касалликлар ва уларни келтириб чиқарадиган сабабларга эътиборни қаратди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.


Р. ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Адабиёт ва санъат

БЕШҚАЙРАҒОЧЛИКЛАР

(Ҳужжатли қиссадан парча)

Инсон ўз киндик қони тўкилган, болалик йиллари кечган жойни севмай туриб, Ватанни севиши мумкин эмас. Севмоқ-бу ҳар қандай шахсий майллардан юқори турмоқ, атрофингиздагиларга ва умуман инсон зотига меҳр-муҳаббат билан қарамоқ, улар ташвишу-қувончлари билан яшамоқдир. Ёзувчи ва журналист Абдусаттор Ҳотамовнинг ушбу ҳужжатли қиссаси Тошкентнинг номи машҳур Бешқайроғоч маҳалласи ва унинг одамлари ҳақидадир. Куйида қиссадан парча ўқийсиз.



ҲАР ГАЛ у кишини кўрганимда кўнглимдан хазиллашиш нияти ила самимий бир туйғу кечади.

— Э, қурилишдан ҳалиям бўшамоқчи эмасмисиз? — дегим келаверади.

Лекин айта олмайман. Одамнинг кўнгли нозик. Ҳафа бўлиши мумкин. Ке, дейман ўзимга-ўзим, шуни айтдим нима-ю, айтмадим нима?

Аслида эса буни унинг ўзи ўша олтмишинчи йилларнинг бошида Тошкентдек шаҳри азимни қураётганимизда, икки куннинг бирида такрорлашни қўймасди. Орадан йигирма йиллар ўтганда ҳам у билан учрашиб қолганимизда бот-бот бу гапни қайтариб турарди. Менинг эса кулгим келаверади. «Бу одам ишдан шунча йилдан бери бўшайди-я».

Аслида у барибир қурилишдан кетолмасди. Негаки, ғишт териш, бирон нарса қуриш ўспиринлигидан қон-қонига сингиб кетган, бусиз унинг ҳаёти ҳаёт эмасди. Бунинг учун кимдан миннатдор бўлиши кераклигини ҳам жуда яхши биларди.

Чилонзорда тўрт қаватли ғиштли уйлардан бирини қурардик.

Э, бу иш эмас, байрам эдида!

Эрталаб гоҳ усти ёпиқ, гоҳ очиқ юк машинаси бизни, ўн чоғли одамни Бешқайрағочдан ишга йиғиб кетарди. Қурилишга боргунча салом-аликдан бошланган гап ҳазилу-аския, ҳамдардлигу-қувончга уланарди. Машинанинг кўтариб ташлашию, қарши томонидан шувиллаб эсаётган шамол ҳам суҳбатга ҳалақит беролмасди. Қани энди йўл тугамаса, деярдик. Гапимиз йўлдан ҳам узун эди-да.

Ниҳоят манзилга етар эдик. Аввал ҳайдовчи ёнидаги эшик очилиб, тапиллаб ёпилади. Кабинадан тушган Раҳим ака. Бизнинг бригадир!

Тушарди-ю индамай кийим алмаштириш хонасига кетарди.

Бир пастдан сўнг у эгнида коржома, қўлида қўлқоп билан қурилиш майдонида пайдо бўларди.

— Қани ҳов, йигитлар, — бақирарди у биз томон, — Намунча болалик хотинларга ўхшаб имиллайсанлар. Тез-тез бўлинглар!

Биз эса ўғирлик устида қўлга тушган одамдек, эски вагон томон чопамиз. Совуқдан қалтираб, кийим алмаштириб аскарлардек саф тортамиз.

Ҳаммамиз нафасимизни ичимизга ютиб турамиз. Негаки, энди иш тақсимлаш бўлади-да.

Раҳим ака одатдагидек қовоқ уйган, «чирсиллаб» турипти. Гапини диққат билан эшитиш керак. Бўлмаса нақ дўл аралаш ёмғир ёғади.

— Қани, Туроб, сен бино бурчагини тер. Сен, Зокир бугун ўртадан теришни бошла. Қоравой, кеча нега ерда аралашма қолди? Тарашадек қотипти-ку! Қани, бугун ўзинг бир лом билан кўчиргинчи. Ҳа, янгиси келгунча. Туроб, бу Эркин ғишт теришни ўрганиб қолдими?! Ҳа, тузук. Лекин, билиб қўй, чиройли ишлай олмаса, нақ носковоғингни уриб синдираман. Хўш, яна ким қолди?

У шундай деб ҳаммага ўзига яраша иш берарди. Кўп ҳам ўтмасдан ҳамма ўз вазифасини бажаришга киришарди. Болғачаларнинг ғиштга «тиқ», «тиқ» тегаётгани, гоҳо ҳазилу-аския эшитиларди. Орада-кўтарма кранларнинг ғийқиллаб юришию, узун «қўллари»ни шағиллаб кўтариб тушириши тинмасди. Тушликкача анча-мунча иш қилиб қўйилар, тикланган девору, ўрнатилган ром-эшикни кўриб, кўнглимиз бир яйраб кетарди. Ахир бу бизнинг иш эдида!

— Абед, — бақирарди ниҳоят Шура хола уй-вагон ёнида чўмичини ушлаганча. — Қани, ҳа болалар, абед гатоп!

Биз эса ишдан бош кўтармасдик. Бир томони ишга қизиққанимиз бўлса, бошқа томони, гапнинг очиғи, то Раҳим ака айтмагунча ўзимизча ошхона томон боришдан ҳайиқардик. Негаки, у асосий иш тушликкача бўлади, дерди нуқул. Ва ҳар биримизга баҳо берганда, аввало шу давргача бўлган иш унумимизни ҳисобга оларди. Бунинг учун ҳаммамизга тушликка рухсат бергач, ўзи қурилиш майдонини бир айланиб чиқар, шундан кейингина кўнгли жойига тушиб, овқатланишга келарди.

Катта қозондан сузилган шўрвани тезгина ичиб бўлардик. Сўнг қалдирғочдек тизилиб қўлбола устол атрофида доминоми, шашками ўйнардик. Бригадиримиз Раҳим ака одатдагидек камгап, ҳазилчан эдилар. Биз нима ҳақида ўйлаётганларини билмасдик. Тиззаларига тирсакларини тираб, иякларини ушлаганча жимгина ўтирардилар. Бригадиримиз балки, урушда бошидан кечирган фожиаю даҳшатларними, аввалги ва кейинги оиласидаги фарзандлари ҳақидами ёки бугун келтирилмай қолган ғишт тўғрисидами ўйлаётгандир Тағин ким билади, дейсиз.

У ичмасдиям, чекмасдиям. Юзлари қиз-қипил эди Гавдаси ва кўринишига қараб отдек бўлса керак, дейишингиз мумкин. Бироқ, унинг қон босими бўлиб, баъзан қайси бирмизга қаттиқ танбеҳ берганда, ғишт ёки аралашма вақтида келмай, иш орқага сурилиб кетганда баттар қизариб кетар, сўнг «уф» тортиб бир чеккага ўтириб қоларди. Биздек кечагина мактабни битирган, ҳали бирон ҳунару-касби йўқ болалар билан ишлаш унга осон эмасди.

Мен дастлаб Туроб деган ғишт терувчига ёрдамчи ишчи эдим. Вазифам у кишининг кўтараётган девори устига белкуракда аралашма ташлаш, қўлига ғишт тутқазиш, агар керак бўлиб қолса, аралашмани ёйиб чиқиш эди. Шундай ҳам бўлардики, Туроб ака баъзан «эриб» кетардилар-да ҳавозага суянганча носковоқларини тиззаларига уриб-уриб, оғизларига бир отим ташлаволардилар, кейин менга қараб, қани яримта-чоракта ғиштларни девор ўртасига бос дердилар маъруфона. О, бу жуда зўр топшириқ эди-да! Синган, майдаланган ғишт бўлакларини ҳафсала билан аралашма устига терардим. Демакки, менга ишонч билдиряпти, ғишт терувчи бўлиб қолипман-да! — деб ўйлардим. Ахир шогирдлик қаерда-ю, усталик қаерда. Шунга яраша ҳурмат ва иззат ҳам бўларди-да. Раҳим ака қовоқ уйганча «Ҳа, балли, тойча энди от бўлдими-а», дерди бунақа пайтларда. Буёғини айтсангиз, кечаги ўспиринниг бугун ҳунарли бўлиши унга маънавий мадад ҳам эди. Қолаверса, бригада аъзоларининг деярли ҳаммаси Бешқайрағочдан. Бири қош, бўлса, бири кўз. Ота-онамиз Раҳим акага «Боламнинг гўшти сизники, суяги бизники» қабилида топширишган.

Албатта, биз шогирдлар, осонгина ҳунар ўргана қолмасдик.

Биримиз гўрлик қилиб ишга бир неча кун бесабаб келмай қолардик, ҳисобчи буни дафтарига қайд этиб борарди. Бошқаларимиз жамоат топшириғини бажармай, бригадирни юқоридагилар олдида ҳижолатга қўйган бўламиз. Раҳим ака ҳаммасига аралашади, ёнимизни олади. Ҳатто, кимдир интизомсизлик қилиб ишдан бўшатилмоқчи бўлса, ўртага тушади, ҳа энди, ёшлик қилиб қўйипти, кафиллигини менга беринг, дейди.

Бригадамиз қуриб битказган ёки қурилишига ҳисса қўшган бинолар Чилонзорда оз эмасди. Савдо маркази, турар-жой уйлари, «Фурқат» театри... Эшитишимча ана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, Раҳим ака номзодини меҳнат қаҳрамони унвонига ҳам тавсия этишганди. Лекин, у ҳақдаги маълумотлар ўша пайтдаги «сетка»га тушмай, унвонга сазовор бўлмаганди.

Орадан чорак аср вақт ўтди. Биз курган биноларда ҳамон унинг сиймоси кўринаётгандек, овози эшитилаётгандек. У яшаган кўчадан бригадиримиз одатдагидек эрталаб ишга чиқиб келаётгандек.

У ҳақда ўйлаганимда ҳаёлимда бир фикр айланаверади.

Бешқайрағоч маҳалласида бир эмас, еттита «Қурувчи» номидаги кўча бор. Шуларнинг биттасига чинакам бинокор Раҳим Бўронов номи берилса айни муддао бўларди. Қолаверса, бу ҳалол меҳнатга баҳо ва ўтганлар хотирасига ҳурмат эди.

... Ўша танишимни тез-тез кўриб турраман. Энди унинг ёши анча улғайиб қолган. Э, — дейди мамнун жилмайиб, — яхшиям ўша пайтда қурилишда ишлаган эканман. Мана, ҳунаримнинг орқасидан ноним бутун, раҳматли Раҳим аканинг жойи жаннатда бўлсин.

Бизнинг бригадиримиз ана шунақа инсон эдилар.

Абдусаттор ҲОТАМОВ.

ЗАРГАРОНА САЛОҲИЯТ СОҲИБИ

Адабий меросимизни ўрганамиз

СЎЗ САЛТАНАТИНИНГ султони Ҳазрат Алишер Навоийнинг беадад салоҳияти ва улкан истеъдоди ҳақида ҳар қанча ҳайрат ва ғурур билан эътироф этмайлик, бизнинг ва аниқки, ўнлаб авлодларимизнинг ҳайрати ва ғурури ҳеч қачон сўнмайди, аксинча, тобора ўсиб бораверади. Улуғ Навоийнинг даҳоси қошида неча-неча авлодлар, шоҳу султонлар бош эгди, жаҳон аҳли унинг беназир имкониятига тан берди, аммо вақт ўтган сайин Навоий ижодиётига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ҳазратнинг ўрганиш ва таҳлил этишга муносиб, мисраларга бой асарларидан бири «Садди Искандарий»дир.

«Садди Искандарий» шоирнинг «Ҳамса»сига кирган дурдона асарларидан бири бўлиб, унинг бебаҳолиги хусусида олимларимиз кўп ва хўп сартлар битишган. Ушбу камтар тадқиқотимизда эса Навоийнинг мазкур достонидаги фақат бир жиҳатни, шоир услубининг биргина қирасини ўрганишга журъат этдик.

«Садди Искандарий» тарих майдонида тутган ўрни, аҳамияти ва жаҳон халқлари маданиятига кўрсатган улкан таъсири билан ажралган тарихий шахс Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) ҳақидаги шоҳ асар бўлиб, Навоий бу достони орқали ўзининг улкан орзулари, дилидаги гапларини ва энг пурмаъно ҳикматларини айта олган.

Навоийнинг ушбу асарининг ўзига хос томонлари, бошқа асарлардан фарқли бўлган жиҳатлари бир қанча. Шулардан бири асарнинг ўта тарихийлигидир. Бундай хулосага сабаб бўлиб, достонда жуда кўп тарихий шахслар, воқеалар ва жой номлари тилга олинганлиги хизмат қилади. Айниқса, тарихий шахсларни эътироф этишда шоирнинг қалами бу асар учун ниҳоятда улкан сахийлик сиёҳини сарф этган. Тарихий кишилар ҳақида ҳикоя қилувчи махсус асарларни ҳисобга олмаганда, Навоийнинг лирик ва илмий асарларида «Садди Искандарий»чалик тарихий шахслар номига бой асар топилмайди. Шоирнинг бошқа достонлари, хусусан, «Саъбаи сайёр», «Фарҳод ва Ширин»да, қатор бошқа илмий асарлари ва қасидаларида тилга олинган тарихий шахслар сони кўпчиликни ташкил этса-да, «Садди Искандарий» бу борада биринчи ўринни эгаллайди. Хусусан, достонда Афлотун, Арасту, Ануширвон, Бахром Гўр, Кайхисрав, Равшанак (Искандарнинг рафиқаси) каби ўнлаб тарихий шахслар — саркардалар, донишмандлар, шоҳлар, шоирлар ва санъаткорлар қаламга олинган. Муҳими шундаки, ушбу асардаги тарихий номларнинг аксарини илм-фан соҳасида обрў топган «Фарзанди аржумандлар» ташкил этган. Илм аҳлини беҳад севган, лимнус, Хурмус кабилар жамланган. Навоийнинг сўз яратиш, унга зеб ва жило бериш санъати мазкур «аҳли уламо»ни таъриф этишда айниқса яққол намоён бўлган. Таърифи этиш, сифат бериш бобида беназир бўлган шоир устозлар зикрида янада ҳассослик билан қалам тебратган. «Садди Искандарий»да тилга олинган файласуф донишмандлар, буюк мутафаккирлар Алишер Навоий томонидан гўзал сифатларга ва улкан олқишларга мушарраф этилдилар. Хусусан, Навоий, ул буюк устозларни қуйидаги мақтов ва олқиш инжуларига кўмди: «фикрларига фалак поймол», «дониишойину ҳикматмаоб», «дониши насиҳатпазир», «ҳакими филотуншукуҳ», «ҳаками Масиҳомисол», «филотуни донишвар», «Буқроти фаррухсиришт», «Файсағурси нуктавар», «нуктапардози Исонафас» ва ҳоказо. Асосийси шундаки, Навоий ҳеч қайси асарида бу асаридагичалик қилиб ҳикмат аҳлини кўкларга кўтармаган ва Навоийдан бошқа ҳеч қайси шоир улуғ устозлар руҳини бу қадар шод этмаган. Навоий, ҳар доимгидек ва ҳар соҳада бўлганидек, бу бобда ҳам биринчиликни даъво этган.

Навоийнинг олқиш зиёси достоннинг бош қаҳрамони Искандарни ҳам ўз нурига ғарқ қилди. Асарда кўплаб маротаба тилга олинган Искандар ҳали бирор тарихчи ва бирор сўз устаси қаламга ололмаган сифатлашлар ила сарафроз этилган. Навоий Искандар сифатини келтиришда ва кўкларга кўтаришда бир-биридан сержило сўз гавҳарларини танлай олган. Мана улардан бир нечаси: «Искандари номдор», «шоҳи кишварпаноҳ», «жаҳон аҳлиға комгор», «шоҳи офоқгир», «шоҳи жаҳондор», «шоҳи жаҳонгир», «шоҳи фалакиштиҳом», «шоҳи пурҳирад» ва бошқалар.

Туркий, арабий ва форсий сўзларнинг Навоий қалами бирла қўшилиши, янги сўзга айланиши ва жаҳонда йўқ сеҳру жило касб этиши улуғ шоир истеъдоди ва имконияти олдида тобора лол қолишдан бўлак нарсага арзимайди. Зеро, на Шарқ ва на Ғарб адабиётида бирор қалам соҳиби топилмайдики, Навоийчалик сўз инжуларига пардоз бера олса, саррафона салоҳият ила бебаҳо сўз гавҳарларини ярата олса. Алишер Навоийнинг ижодиёти билан чуқур танишган ҳар бир Навоийпараст (!) шунинг шоҳиди бўладики, адабиётнинг бирор соҳаси, қирраси, услуби, хусусияти йўққи, шоир назаридан ҳоли ва фусункор қаламининг сеҳрсоз таъсиридан бебаҳра қолган бўлса. Унинг қайси бир асарини варақламанг, қайси ғазалидан маъни чечакларини терманг, ҳар бир мисра шеър, ҳар жумла сатрдан Навоий услуби, Навоий ўзига хослиги, Навоий нури уфуриб туради. Сўз ясаш ва сўзни пардозлаш услуби ҳам Навоий истеъдоди қуёшидан тараллаётган нур ёлқинидан бир парчадир. «Садди Искандарий»дан ўрин олган заргарона иқтидор ила пардозланган сўз олмослари ана шу нур жилосига жавобан чақнаётган бир нечтагина инжу доналардир, холос. Бундай инжуларни кўпроқ кашф этиш ва жилваланишига кўмак бериш бизнинг улкан вазифамиздир.

Ҳайрулла НУРИДДИНОВ,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика олийгоҳи толиби.

ҚЎШИҚ СЕҲРИ

Ёш хонанда Собиржон МЎМИНОВ билан суҳбат



АГАР сиз ёқтирган санъаткор ойнаи жаҳонда кўриниб ёҳуд радиода қўшиғи янграб қолса, ҳамма ишни ташлаб бўлсаям уни тинглайсиз. Хонанданинг ширали овози сизни мафтун қилиб, ўз оғушига тортиб кетади. Чарчоғингиз бутунлай ёзилиб, кайфиятингиз кўтарилади, юзингизга эса табассум югуради. Беихтиёр хонанданинг санъатига таҳсинлар ўқийсиз. Ҳатто, «Насиб қилса, фарзандларимнинг тўйига олиб келаман» деган ниятни дилингизга тугиб қўясиз.

Ёш истеъдодли лирик хонанда Собиржон Мўминовни ҳам кўпчилик яхши танийди. Қўшиқларини севиб тинглайди. Чунки Собиржоннинг бу соҳада ўз йўли, ўз услуби бор. Қўшиқни қалбдан, маромига етказиб ижро этади. Қўшиққа шеър танлашда шошилмайди. Мисраларнинг таъсирчанлигига, мазмунига алоҳида эътибор беради. Хонанда:

Остонангга тош бўлиб бот,
эгаси сен,
Гулдай эгил, ўшал уйнинг
бекаси сен.
Ҳаёли бўл, эл урфини
қилмагин хор,
Қўш бешиклар ҳеч аллага
бўлмасин зор.

деб куйлаганида келин бўлмиш сингилларимизнинг юраги ҳапқириб кетади. Ширин ҳаёллар оғушида қоладилар...

Собиржон асли санъаткорлар оиласидан. Отаси Одилжон ака Мўминов машҳур ҳофизлар Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султоновларга доирада жўровозлик қилган. Шу сабаб бўлса керак оиладаги беш ўғилнинг барчаси санъат йўлини танлашди. Оналари Шарофатхон аяга афсуски, фарзандларининг камолотини кўриш насиб этмади. Ўғилларидан тащқари яна тўрт қизни вояга етказди-ю, дунёдан кўз юмди...

Одатда, санаътқорлардан «устозингиз ким?» деб сўрасангиз фалончи хизмат кўрсатган артист, дейишади. Собиржон эса бу саволимизга, отам Одилжон Мўминов, дея жавоб берди.

Суҳбатимиз ўз-ўзидан қизиб кетди.

— Собиржон, ойнаи жаҳонда қўшиғим илк бор 1989 йилда янграган эди, дединг. Адашмасам ўша қўшиқ «Соғиндим» деб номланарди. Шунга ҳам, мана олти йил бўпти. Бу давр ичида яна нималарга эришдингиз?

— 1991 йилда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент маданият олийгоҳига ўқишга кирдим. Ҳозирда халқ мусиқаси куллиётининг бешинчи босқич толибиман. «Ориёна» деб номланган дастамиз билан тез-тез ижодий сафарларда бўлиб турибмиз. Туркия, Эрон, Ҳиндистон сингари мамлакатларда бўлиб қайтдик. Уйландим. Турмуш ўртоғим Назирахон — уй бекаси. Санъат шайдоси. Яна «Анор» телевизион танловида иштирок этдим.

— «Анор» сизга катта муваффақият келтирди. Сиз танлов голиблари сафидан муносиб ўрин эгаллаб, «Йилнинг энг яхши қўшиқчиси» номига сазовор бўлдингиз...

— Ҳа, кўпгина ёш истеъдодларни кашф қилди бу танлов.

— Кўп хонандаларнинг ўз шоири-ю бастакори бўлади. Аниқроғи, улар билан ҳамкорликда қўшиқ яратадилар.

— Савол тагидаги ним саволни тушундим. Сиз шеърни кимга «заказ» қиласиз, демоқчисиз-да?

— Ҳа.

— Ундай шеърлар аксарият ҳолларда юракдан ёзилмайди. Ҳар бир шоирнинг ўз дарди, армони бўлади. Бировнинг илтимосига биноан ёзилган шеър кўнглимдаги қўшиқ бўлолмайди. Ўзимга ёққан шеърларни танлайман.

— Сизнинг репертуарингиздан «Сарвихиромонгинам», «Найлайин», «Ёр учун», «Зеболанмасун», «Кўргони келдик» сингари мумтоз қўшиқлар кенг ўрин эгаллаган.

— Тўғри айтдингиз. Ўзимизнинг бой ижодий меросимиз — мумтоз ва классик қўшиқлар ижрочилари камайиб кетди. Кўпчилик ёшлар, эрон, араб, турк қўшиқларидаги куйларни ўзлаштириш билан овора. Айримларининг ўз овози бор лекин услуб бошқаники...

Мумтоз қўшиқларни севаман. Бу ўринда ажойиб ҳофиз, устоз санъаткор Жўрахон Султонов тажрибаси қўл келади.

— Деярли барча, ҳатто, довруғи кетган санъаткорлар ҳам тўйга боришади. Кўпчилик назарида пул учун хизмат қиладигандай туюлади, улар.

— Тўй санъаткорсиз ўтмайди. Элнинг яхши кунларида хизматда бўлиш айб эмас, аксинча, савоб...

— Мухлисларингизга тилакларингиз.

— Ҳамиша соғ-саломат юрсинлар. Қўшиқ уларга бир умрлик ҳамроҳ бўлсин. Бошлари тўйдан чиқмасин!..

Дониёр КАМОЛ суҳбатлашди.

ЁШ БЕҲЗОДЛАР КЎРГАЗМАСИ

Бекобод туманидаги болалар кутубхонасида очилган навбатдаги кўргазмани шундай атаса ҳам бўлади. Мазкур кутубхона ва туман марказий маданият уйи ходимлари ҳамкорлигида ташкил этилган «Болалар ижоди» номли ушбу кўргазма Беҳзоднинг 540 йиллигига бағишланди.

Бекободлик ёш мусаввирларнинг она-Ватан жамоли, халқимиз орзу-умидлари, мустақил Ўзбекистонимиздаги ўзгаришлар болаларча тасаввур билан акс эттирилган расмлари томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда.

ШЕЪРИЯТ

Кўзимда кўкарган гулимсан,
Кўксимда куйган булбулимсан,
Зоримнинг бешиги, дилимсан,
Шеърият —
Юзларингни кўргим келади.

Сен кўнгил осмонининг моҳи,
Сўзга сиғмас ошиқлар оҳи,
Паривашҳ қизларнинг шоҳи,
Шеърият —
Кўзларингни кўргим келади.

Ёр васлини санда кўраман,
Жоним ўзга танда кўраман,
Ўзни сенга банди кўраман,
Шеърият —
Қулинг бўлиб юргим келади.

Бир ғунчасан, маҳол узмагим,
Ширинимсан, дардли тилагим,
Сен ғафлатни қувган малагим,
Шеърият —
Расминг кўзга чизгим келади.

Навоий пойига тиз чўкиб,
Бобур тутган қаламни ўпиб,
Юрак қонин қоғозга тўкиб,
Шеърият —
Маҳмуд бўлиб қолгим келади.

Маҳмуд ТОИРОВ.

ЭТИК

(Ўтмишдан ҳикоялар)

Ёзувчи Шерали Соқин кўп йиллардан бери республика жамоатчилигига ўзининг публицистик мақолалари, ҳикоялари, бадиий таржималари билан яхши таниш. «Ҳаммаси одамларга қолади» китобининг муаллифи Ш. Соқин яқинда «Ўтмишдан ҳикоялар» туркумини яратди. Қуйида унинг «Этик» ҳикоясини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Яланғочга ёз яхши. Мириққанча чўмилиб, офтобда тобланасан, дарёда балиқ тутасан, истасанг боғдан олмами, шафтолими ўмарасан (фақат боғбоннинг қўлига тушиб, калтак ейишдан қўрқмасанг бас), жилла қурса, қарғаз уясидан бир жуфт тухумни ўлжа олиб, кўрга кўмиб ейсан.

Қиш ёмон. Уззукун танчага тиқилиб олганча деразадан ташқарига термилиб, ҳов узоқ-узоқлардаги тоғларни, булутли осмонни томоша қиласан, онда-сонда учиб бораётган бирон-бир қушни кўриб қоласан. Ҳўш, бунинг нимаси яхши? Ўйнай десанг, ташқарида қалин қор ётипти, совуқ. Аслида қор ёққани айни муддаоку-я: уйдан бекитиқча патнисни олсанда, уни қиндиринтга қисиб, қирга чиқасан, хуморинг босилгунча қорда сирпанасан. Бироқ кияй десанг, оёғингда этик у ёқда турсин, ақалли мўкки[1] йўқ. Шуниси ёмон. Биз, болаларнинг; «Ҳой, дўкки, дўкки, Эсонга — эски мўкки», — деган ашуламиз бор. Аммо ҳозир мен учун ўша эски мўкки ҳам анқога шафе.

Бобом топиб гапирганлар: «Очлик кўчага чиқарар, яланғочлик уйга киргазар». Ҳа, қирқ бешинчи йилнинг қиши қаттиқ келиб, қаҳратонда биздақа уст-боши юпун болалар остона ҳатлаб, кўчага чиқа олмай қолди. Назаримда, «Оч ўлдирма, тўқ ўлдир, қиш ўлдирма, ёз ўлдир» мақолини биздақа йўқсиллар ўйлаб топган бўлса керак.

Дадам урушга кетгач, ҳарна бирга бўлганимиз деб, онам ва мен уйимизнинг эшик-дераза ларини парчинлаб (буни бизнинг қишлоқда «қиртўкли» дейишади), бобомларникига кўчиб ўтдик.

Сизга айтсам, Эррайим, Ботир, Ваҳоб, Убайдулла, Маннобларга маза: уларнинг оталари аллақачон урушдан қайтиб келишган. Бироқ менинг дадам негадир ҳамон бедарак. Бобомдан бунинг сабабини сўрасам: «Бугун-эрта кепқолади, даданг. Ахир уруш тугали-ку? Қумсойлик Абдуқосим камонис (коммунист демоқчи) даланғни Уринбурунда[2] кўрган эмиш. Ҳали борибқелади, ўша», — дейди. Эҳ, дадажоним урушдан тезроқ қайтиб келса эди, менга этик олиб берган бўларди, — дейман инграниб.

Билсангиз, бобом Селобадаги (кейин билсам, бу шаҳарнинг номи Челябинск экан) ишчилар батальонидан ўпка сили бўлиб қайтган. Нуқул елкасидан нафас олиб, йўталади. Йўталганида кўзлари қизариб, ёшланади. Балғам ташлайди. Шу билан сал енгиллашгандай бўлади. Мен эса пайт пойлаб туриб, хархаша қиламан:

— Этик обери-и-и-инг...

— Сабр қил, бўтам. Сабрнинг таги-сариқ олтин. Обераман, ўша этикни, — дейди бобом энтикиб, «уҳ» тортаркан.

Бобом шаҳарга тушган кунлари икки кўзим йўлда бўлади, арава ғизирлаганича, муюлишдан кўринишни ҳамоно югуриб бориб, унга пешвоз чиқаманда, сабрсизлик билан:

— Олиб келдингизми? — деб сўрайман.

— Э-э-э-э... Ҳувоғар этикфурушларнинг энаси ўлиб, бугун бозорга этик кирмаптида-а, — дейди бобом қувлик билан жилмайиб, сўнг ҳолдан тойгунча йўталиб бўлгач, қўшиб қўяди. — Замонни кўриб турибсан. Турмуш тошдан қаттиқ. Сен эса яккаш этик дейсан. Этикқаям навбат кепқолар. Бу дафъа бозорга борсам, албатта, олиб келаман, этикни, улим, — деб ваъда берадида; аравакаш Исроил амакимга юзланади. — Шапкўр бўппан. Йўталсам, кўз ўнгимдан ёруғ ҳалқалар ўтади...

У инқиллаб, синқиллаб, ҳолва, туз, чой, совун солинган ҳуржунни (буларнинг ҳаммаси уч қалоқ ҳам чиқмайди) менга узатиб, аравадан тушганга қадар Исроил амаким сабр қилиб, кутиб туради. Йўл-йўлакай бобом дадамга ёзганим учбурчак шаклидаги хатимни қўйнидан чиқаради.

— Э-э-э-э... Пўшидаги (почтага демоқчи) ташлаш хотиримдан кўтарилипти-да. Бир ҳисобда унутганим яхши бўлган. Ахир эрта-индин бари бир даданг эшик очиб кепқолади.

... Шу орада қишлоқ бўйлаб: «Оламхўр бўри чиқипти», — деган қўрқинчли хабар тарқалди. Лаънати бўрилар шунчалик қабиҳлашиптики, молларни қийратгани етмагандек, қўшни қишлоқдаги Мисқол кампирнинг Жалилми, Жалолми деган битта-ю битта новарасини пок-покиза еб кетганмиш...

Баҳор келиб, дала-даштда қизғалдоқлар қийғос очилган кунларнинг бирида елкасига милтиқ осган, камарига йигирматача патрон тизиб олган Жўрабек тоға (у урушдан қочиб, айтишларича, кўздан пана жойларда: даралларда, ўнгирларда, ҳатто, чўкиб қолган қабрларда яшаган, уруш тугагани муносабати билан одамларга — шунда ҳам яширинча — аралаша бошлаганди) бизникига меҳмон бўлиб келди. Онам Туман кампирникига тандир солиб берғани кетгандиги сабабли, бувим унга ширач аралаштириб, меҳмон шарафига кўмоч, супрани қирибқиртишлаб, озроқ атала пиширди.

— Шуйтиб, қашқирларни қайтиб йўлатмайдиган қилдим денг, мулла Жўрабек? Баракалла. Роса савобга ботадиган бўпсиз-да. Дарвоқе, бунга қандай эришдингиз? — дейди бобом мусоҳибига саволомуз тикилиб.

Жўрабек тоға одамларни бўри балосидан қандай халос қилганлигини батафсил сўзлашга киришади:

— Одамларга бир яхшилик қилай деб, ислай-ислай, охири жондорларнинг уясини топдим-да, пастқамликка тушиб, пойладим, Қашқирлар овга кетгач, уларнинг уясидан хабар олдим. Учта боласи бор экан. Кучукваччалардан бир туки ҳам кам бўлмаган бўриваччалар бир-бири билан ўйнаб ўтиришарди. Бўри болаларини бўрсиқ тўпитига обдон тўйгаздим-да...

Шу пайт бобом:

— Ашурали, чойни янгилаб кел, — деб қолди.

Жўрабек тоға ҳикоясини тўхтатди.

Мен қулоқ қокмай, ўчоқбошига йўналдим. Шундан кейин Жўрабек тоға нималарни сўзлади — билолмай қолдим. Бир ҳаялдан сўнг чой дамлаб, хонага кирганимда, у шундай деяётганди:

— Эркак ва ургочи бўрилар тонготарда овдан қайтганда, бўриваччалар безовталаниб, оҳиста ғингшиётган эди: ахир мўл-кўл овқатдан кейин уларнинг бўшанғиси келаётганди-да. Қашқирлар болалари атрофида гирдиканалак бўлиб ётганини билиб турипман. «Халқни қон қақшатдинг»ми баттар бўл», — дедим ўз-ўзимга. Бўриваччалар онаси эмизгандагина пича жим қолардию, кейин юрак-бағирни эзиб юборадиган алфозда чиёвлай бошларди. Ишонсангиз, ўзимнинг ҳам кўнглим бузилди. Бир қурнга «бор-е деб пастқамликдан чиқиб, бўриларни шартта-шартта отиб ташлаб, бўриваччаларни озод қилмоқчи бўлди. Нима, қўлимда бешотар турибқашқирлардан қўрқармилим? Бироқ йиртқичга шафқат раво ва бараё ҳаққига зулм қилиш билан баробардир.

Икки кун давомида бўрилар бир одим бўлсин, уясидан нари кетмади. Шу аснода икки бўривачча қабзиятдан ўлди. Буни қандай биллинг дейсизми? Ахир шу биттасидан бошқа анави иккисининг овози эшитилмай қолдида. Охирда она бўри жаҳаннамга айланган уясини тарк этаркан, осмонга қараб, чўзиб-чўзиб улиди. Муттасил вағиллаётган сўнгги боласининг бўйнидан тишлаб, боши оққан томон елдек учиб кетди. Унинг ортидан ота бўри ҳам лўкиллади. Мен қашқирлар уясига кириб, бўриваччаларининг мурдасини топдимдим. Қизиқ. Бундан чиқдики, улар болалари ўлимтигини еёлишган.

— Биламан, — дейди Жўрабек тоға ҳикоясини тамомларкан, — бундай кезларда бўрилар батамом ҳолдан тойгунча елиб-югуриб бораверади. Бўшана олмаган бўриваччанинг ичаклари чириб, илма-тешик бўлиб кетади, ҳалокатга учрайди. Қашқирлар шу-шу, бу ёқларга қайтиб оёқ босмайди. Мана, сизга ҳикмат.

— Э, аттанг, шу ишни бекор қипсиз-да, мулла Жўрабек, — дейди бобом афсусланиб. — Нима зарил эди бегуноҳ бўри болаларининг кетини тиқиб?

— Биласиз, овчилар ҳарчанд уриниб, қаттол бўриларни отолмаганлар, — дейди Жўрабек тоға ўзини оқлаб.

— Бари бир буйтмаслик керак эди-да. Ахир бўриям худо яратган махлуқ. Ҳадиси шарифда айтилмишки, дунё ва охиратда Аллоҳ таоло ҳазратларининг ризосини тилаб, эҳсон этган неъматларига ва берган балоларига ҳамду шукрлар қилиш биз, бандаларн учун фарздир, — деди бобом суҳбатга хотима ясаб.

Жўрабек тоға кетди. Орадан бир ҳафта ўтиб, одамлар ақлдан озган, эти бориб устухонига ёпишган бир ургочи бўрининг лаштда ҳудди қўйлаи ўтлаб юрганини кўришипти. Бу ўша уч боласидан жудо бўлган бўри экан. Жўрабек тоға уни отиб ташлабди. Терисини давлатга ўтказибди. Олган пули эвазига менга бир жуфт жажжигина амирқон этикча олиб келди.

— Кий, буни, жиян. Этик деяётгандинг. Қилган яхшилигимни катта тўйингда қайтарарсан.

Бобомнинг жон-пони чиқиб кетди:

— Киймайди буни! — у этикчаларни улоқтириб юборди, кейин Жўрабек тоғага газаб билан юзланди-да сенсираб деди. — Келиб, келиб, сенинг қўлингдан этик киялими, бу? Й-ў-ў-ўқ. Ўлиб қолсаям киймас. Ҳаром пулга келган этикни бир норастага кийгазиб, имонсиз кетайми?

— Ахир бола илангоёқ...

— Ўлиб қолса ҳам киймайди. Вассалом...

Қизиқ, энди бобом йўталмасди.

Худди шу чоғ этигига яшил мовутдан хос уст-бош кийган, шапкали энкеведечи ўрис тўппонча ўқталганча, ҳовлига кириб келди. Ҳаммамиз қўрқувдан жой-жойимизга ўтириб қолдик. Жўрабек тоғанинг юзи мурданикидек оқариб кетди. Бобомнинг пастки жағи ҳудди безгак тутаётгандек, дағ-дағ титрарди.

— Кочманг, — деди ўрис Жўрабек тоғага. — Майнангиздан ок ейсиз.

У Жўрабек тоғанинг қўлларини орқасига қайириб, кишан солди-да, ҳайдаб кетди.

Келгуси якшанба куни бобом тўқол эчкимизни бозорга олиб чиқиб сотди. Шунинг пулига мени ўкчаси баланд, пишиқ-пухта этик олиб берди. Этик жиндай катта эди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди бобом меҳрибонлиқк билан. — Пайтавани қалиноқ ўрайсан.

Шерали СОҚИН.

[1] *Мўкки — ҳом теридан тикиладиган қўнжи калта оёқ кийими.*

[2] *Уринбурун — Оренбург демоқчи.*

Оталаримиз жасорати

Полковник Қаҳҳор Шарипов (1918—1985 й) ғоят мураккаб жанговар йўлни босиб ўтган ўзбек зобитларидан эди. Унинг ҳаёт йўлида Ўзбекистон тарихидаги бутун бир давр ўзининг барча зиддиятлари ва шижоатлари ила ёрқин намоёндир.

Қаҳҳор Шарипов билан мен бир неча йил давомида учрашиб, ундан уруш воқеалари ва бошидан ўтказган ғаройиб ҳодисаларни ёзиб олган эдим. Ўзбекистон истиқлолини кўролмай кўп армон билан бу дунёдан кўз юмган Қаҳҳор аканинг руҳлари шояд ушбу қораламалардан тасалли топса...
Муаллиф.



Суратда: Қ. Шарипов (ўртада).

«АВЛИЁ МИКОЛА»

ҚАҲҲОР лаҳмдан чиқиб ўрмон томон югурганда шериклари қандай орқасидан чопаётганларини сезмади. Фақат сирена товуши ва прожектор ёруғи тушгандагина иш чатоқлигини сезди. Пулемёт товушлари, овчаркалар вангиллаши оёқларига шиддат берди. Яланғликдан ўрмонга етиб бориш фақат ўзигагина насиб қилганини сезганда эса юрагини қўрқув босди. Ана шундагина чап оёғидаги оғриқни сезди. Қопқора қонга бўялибди оёғи.

Тун ўз ҳукмига кирган. Атрофда ҳеч ким йўқ. Қаҳҳор ичичидан ўксиб йиғлагиси келди. Тўрт ўртоғидан ёлғиз ўзи фашист қуллигидан қутулибди.

Ўрмон жимжит. Польша ўрмони. У беихтиёр қайин дарахтига суянди. Ҳаёт қандай ширин! Озодликда...

Радом концлагерига келишганида бу лагерь Гроднодагига қараганда бешбаттар эканлигига икрор бўлишди. Крематорий куну-тун касал, ишга яроқсиз маҳбусларни ёқиб кулини кўкка совуради. Ҳар куни 10—15 киши совуқ баракларга қайтмайди. Қочиш керак.Консерва қутисини тешага айлантириб лаҳм қазишга киришишди. Олти қатор сим тўсиқдан ўтувчи йўлни қазиш ҳазил эмас. Икки ҳафтадан сўнг ер ости йўли тайёр бўлди. Ўртоқлари уни биринчи группада қочиришга кўндиришди...

Қаҳҳор қандайдир куч уни олға етаклаганини билмади. Қанча юрди, билмади. Ниҳоят ўрмон ичи сийраклашган жойда ёғоч уй кўринди. Ойнадан хира ёруғ тушмоқда.

Таваккалнинг боши кал! Шарипов сўнгги кучини тўплаб эшикни урди. Мезбон ким бўлса ҳам энди барибир. Ё олчи, ё пукка! Ҳаёти қил устида.

— Ким у? — ичкаридан полякча овоз эшитилди.

— Очинг, панове, — деди полякчалаб Қаҳҳор.

Ўрта ёшлардаги бароқ қошли киши ичкарига қадам босиши билан йиқилган одамни кўриб вазиятни тушунди.

— Концлагерь!

Қаҳҳор иссиқ хонада ўзига келганда атрофида тўрт эркакни кўрди. Оёғида жон сезмади. Пайтавасини ечишга уринди. Бўлмади. Қонга бўялган латта нақ терисига ёпишибди.

— Шошма, йигит, — деди мезбонлардан бири ёрдамга келиб, — оҳо ишинг чатоқ. Оёғингни кесмаса гангрена бўлади.

— Йўқ, — деди Қаҳҳор, — ўзим уддалайман. Спирт ва пичоқ борми?

— Топилади, — деди кимдир. Тез орада унинг олдига жарроҳлик пичоғи, бинт ва шишачада спирт келтиришди.

— Қаердансан? Махсулбилигни кўриб турибмиз.

— Ўзбекистондан, — деди Қаҳҳор пайтавасини қирқаркан, — ким пичоқ билан операция қила олади?

Ўтирганлар бир-бирларига қараб елка қисишди. Қаҳҳор улардан садо чиқмагач, шишачадаги спиртдан ҳўплади. Томоғини ўтдек ёндирган спиртдан кўзлари ёшланди. Бўлганча бўлди. Бир бошга бир ўлим! Бинтни спиртга ҳўллаб оёғида жойлашган осколкалар ўрнини пайпаслади.

— Қарамай туринглар, — деди. Усиз ҳам мезбонлар бошларини ўгириб олишган эди. Пичоқ тиғи оғриғидан кўз олди қоронғилашди. Пешонасидан реза-реза тер чиқди. Чидаш керак! Бир, икки!

Кулоғи шанғиллаб кўз олди қоронғилашди.

— Қойил!

Кимнингдир хитобидан у ўзига келди. Полда осколкалар ётибди. Мезбонлардан бири унинг оёғини бинт билан боғламоқда.

— Сен доктормисан, — деди у.

— Йўқ. Мен разведкачиман. Совет разведкачиси.

Мезбонлар нигоҳида ҳайрат ва ҳурмат акс этди.

— Рус офицеримисиз?

— Йўқ. Ўзбекман. Унвоним офицер, лейтенант. Сизнингча, поручик.

***

ҚАҲҲОР деҳқон кийимида йўл чеккасида пистирма қўйиб одамлар ўтишига интизор. Йўлда эса аксига олиб ҳеч ким кўринмайди. У зиммасига қандай топшириқ олганини жуда яхши тушунарди. III округ қўмондони разведкачилардан партизанлар отрядида фашистлар агентураси фаол иш кўраётгани ҳақида маълумот олди. Тез орада бу маълумотдаги хабарлар тасдиқлана бошлади. Партизанлар лагери устида немис самолётлари пайдо бўлиб, бомбалар ёғдирди. Варшавага қуролли кўзғолонга тайёрланаётган ишчиларга курол олиб кетган гуруҳ гестапо қўлига тушди. Темир йўлга юборилган қўпорувчилар пистирмага дуч келишди.

Демак, фашистлар агентлари отрядларда иш кўрмоқда. Улар ким?

Қаҳҳор энди контрразведкачи сифатида иш кўриши, жосуслар алоқасини аниқлаши керак.

Узоқда бир неча полициячи ҳамроҳлигида келаётган одамлар кўринди. Айни муддао. Бир амаллаб ўшаларга қўшилиб шаҳарга етиб олса бўлгани.

Қаҳҳор олдинга ўтган полициячилар орқасида келаётган кишилар ўртасига қўққисдан кириб олди. Шляпасини бостириб ҳеч нарса бўлмагандай ёнидаги одамлар қатори кела бошлади.

Мана, узоқдан жандармерия пости кўзга ташланди. Шлагбаум ёнида автоматчилар рухсатномаларни текширишади. Колоннадаги полициячилар ҳамроҳлиги яхши қалқон.

Чиндан ҳам шлагбаум кўтарилиб одамларни индамай ўтказа бошлашди. Қаҳҳор ҳаяжонини босиб жандарм ёнидан ўтди. Яна беш-ўн қадам ўтса бўлди.

— Ҳальт!

Олдинда кетаётган полициячи ажабланиб ўгирилди. Қаҳҳор эса индамай олға кетаверди. Шунда орқадан русча бўйруқ эшитилди.

— Тўхта, партизан!

Бу таниш овоздан у орқасига бир зум назар ташлади. Қайси кўз билан кўрсинки, СС кийимида Зайцев у томон келарди.

Нима қилиш керак?

— Шарипов?! Ана, холос! Тушимми ё ўнгим?

Унтерштурмфюрер Зайцев кўзларида ҳайрат ва ваҳшиёна қувонч ўқиди.

— Юз минг марка!!!

Қаҳҳор қўллари қандай қўйин чўнтагидан парабеллум чиқаргани ва кетма-кет тепкини босганини сезмай қолди. Зайцев кўзлари чақчайганча чалқанчасига ағанади.

— Мана сенга, хоин!!

У олдига ёпирилиб келган жандармларга қарамай ерда ётган Зайцевга яна ўқ узди. Кимдир қўлидаги тўппончани уриб туширди.

— Партизан!

Жандармлар уни тоза уриб-тепиб пастдаги баракка қамашди. Қанча ётди, сезмади. Қўпол бақиришдан ўзига келди.

— Шнель!

Бир қўлида болта, иккинчи қўлида автомат ушлаган жандарм ўрмон томон имлади.

— Шнель!

Қаҳҳор азойи-баданидаги оғриқни унутиб йўлга тушди. Наҳот паймонаси тўлган бўлса?

Жандарм ағанаб ётган дарахт ёнида тўхтади. Қўлига болтани тутиб имо қилди.

— Ўтин қил буни!

Қаҳҳор уни мақсадини тушунди. Жандармларга тушликка ўтин керак. Унинг кимлигини билишмайди. Оддий партизан ҳисоблашмоқда. Бундан фойдаланиш керак.

У атрофга аланглади. Пост юз қадамча нарида. Дарахтлар орасида ҳеч ким кўринмаяпти. Сокчи ёлғиз.

У болтани кўтариб дарахт шохларини бутоқлай бошлади. Жандарм автоматини тўғрилаб ишини кузатмоқда. Мана, у хотиржам бўлди шекилли, чўнтагидан портсигарини чиқарди.

— Менга ҳам битта сигарет беринг, — деди Қаҳҳор немисчалаб.

Жандарм бир пас чақчайиб унга қараб қолди. Кейин хунук тиржайди.

— Арши аълога жўнашингдан олдин бир кайф қилмоқчимисан? Майли.

Сокчи портсигарини очди. Шу он Қаҳҳор бор куч билан унга сакраб болтани бошига туширди. Жандарм чурқ этмай ағанади.

Қаҳҳор унинг автоматини олганча ўзини ўрмон ичига урди.

Отрядда биринчи уни кўрган тошкентлик Носир Нўъмонов бўлди.

— Қаҳҳор ака!

— Ўртоқ командир!

Азадор отрядда байрам бўлиб кетди.

— Авлиё Микола? Нариги дунёдан келдингми?

Поляклар ёқаларини ушлашди ҳайратдан. Носир эса жандармерия постига партизанлар уни қутқариш учун боришгани ва йўлда немислар пистирмасига дуч келишганини ҳикоя қилди.

— Ўртоқларим мени ҳалок бўлган деб орқага чекинишди. Олдимга келган фашистлар ҳам мени ўлган деб ўйлашибди. Улардан бири этиги билан жағимга тепганида оғриқдан додлаб юборай дедим. Мана тишим ўрнида душман резинкаси қолди оғзимда.

Носир синган жағини кўрсатиб кулди.

— Қаҳҳор ака, Сиз ҳақиқатдан ҳам жаннати одам экансиз, — деди Ҳожиакбар, — шу билан неччи марта ўлимдан қолдингиз?

— Билмадим, Ҳожи. Саноғига ҳам етолмай қолдим.

— О, Биби Марьям, — хитоб қилди Ян Чубик, — бундан буён ҳам марҳаматингизни пан командирдан дариғ тутманг.

Шарипов отряди армия танклари билан бирга Варшавага кирганда юзлаб автоматлардан осмонга ўқ узилди.

— Ура! Ура!

— Яшасин авлиё Микола!

Людова Армияси III округи партизан отрядларининг жангчилари овози бутун Варшавани тутиб кетди.

Поляк халқи фарзандлари ўз тупроқлари озодлиги учун қон тўккан ўзбек йигити учун ғалаба салютини берардилар.

***

«1945 йил августида мен уйга қайтиб декабргача яшадим, сўнг мени қамоққа олишди. 13 ой Ўш қамоқхонасида ётдим. Москва мени оқлагач, 1947 йилгача уйда бўлдим. Июль ойида эса мени ва бошқа асирда бўлганларни йиғиб 6 йилга Қозоғистонга сургун қилишди. Берия фош қилингач бизни озод қилишди. Мен Польша Халқ Республикаси элчихонасига ёздим. Улар СССР Мудофаа министрлигига мурожаат этишди».

Қаҳҳор Шариповнинг таржимаи ҳолидан кўчирма.

1967 йилда Польша маршали, Давлат Кенгашининг раиси Мариан Спихальский Қаҳҳор Шариповга партизанлик Олтин крестини топширди. Бу мукофот соҳиби Польша миллий Қаҳрамони ҳисобланади.

«Жасурлиги учун», «Жанговар хизматлари учун» медаллари, «Қизил юлдуз» ордени яшиндори полковник Қаҳҳор Шарипов — Польшанинг ўндан ортиқ олий даража орден ва медаллари билан тақдирланган эди. У бир неча бор бу мамлакатга бориб жанговар дўстлари меҳмони бўлди. Авлиё Микола ҳақидаги достонлар у ерда жуда машҳур.

Минг афсуски, Қаҳҳор Шарипов собиқ Иттифоқ пайтида хизматига яраша қадр топмади. Унинг мудофаа вазирига, Брежневга ёзган хатлари ҳам жавобсиз қолди. Кўп руҳий изтиробларни, турмушдан олган зарбалари ва маънавий қийноқлар охир-оқибатда уни бедаво дард — ракка мубтало қилди.

Қаҳҳор Шарипов 1985 йил ёзида Тошкентда, 67 ёшида вафот этди. Буни қарангки, шундан кейин ҳам у яшаган уйга Польшадан хатлар, табриклар келиб турди. Жанговар дўстлари ва авлиё Микола мухлислари унинг ўлимига ишонишмайди, шунинг учун унинг номига ёзишаверади. Ботирга ўлим йўқ деб, шуни айтишади-да!

Ҳамдам СОДИҚОВ,
Абдулла Авлоний мукофоти соҳиби.

Пиру бадавлат оилалар

ЭҲТИРОМ

СЎРИГА кўтарилган токларни авайлаб тераётган Эргаш ака ширин хаёлларга чўмди. Ҳовли ўртасидан ўтган ариқ сувининг майин шилдираши қулоғига ёқимли эшитилди. «Умр оқар дарё», деб шуни айтар эканлар-да, дилидан ўтказди у. Аммо ўша дарё бутун армонларини ҳам ўз тўлқинлари елкасида олиб кетганига шукур қиларди. Бугун у ўзини орзу-умидлари ушалган, ҳаётидан тасалли топиб яшаётган бир бахтиёр ота сифатида ҳис этарди.

Гулзорни гул, одамни меҳнат безайди, дейдилар. Эргаш ака Хўжаев энди ўйлаб қараса, яқин таниши Тожибой ака маслаҳати билан шофёрликка ўқиган ва пойтахтдаги Бешёғоч автостанциясида назоратчи-диспетчер бўлиб иш бошлаганига ҳам роппароса ўттиз йилдан ошибди. Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалигидаги ота ҳовлисидан у шаҳарга тушган ўша кезлар шаҳри азим Тошкентда кучли зилзила рўй берган ташвишли кунлар эди. Йигитлик ғурури уни ҳам ўшанда бу ерга етаклаб келди.

Ували-жували катта оила соҳиби Эргаш ака чорак асрдан кўпроқ умрини шаҳар транспорти ривожи йўлида сарфлади. Тўнғич ўғиллари Тўлқинжон ва Ҳусниддин ота касби — шофёрликни танлашди. Бахтиёр, Зуҳриддин, Қутбиддинлар ҳам ҳалол меҳнат қошонасига интилиб яшашяпти. Саодатхоннинг эса, она касбига меҳри тушган.

Волидаи муҳтарама — Мукаррамхон опанинг оилада ўз ўрни бор. Шифокор, масъул касб соҳибаси бўлишига қарамай, «болажоним, дўмбоғим» деб тунлари мижжа қоқмай, бешик қучоқлаб, бахт ҳақида алла айтган ана шу онаизор эмасми?! У фарзандларига бахтдан тахт тилади.

Ота-она дуоси, илтижоси мана бугун мустажаб. Меҳнатдан ризқ-насибаси бутун, эътиқоди саломат бахтиёр хонадон эл эъзозида, эҳтиромида. Катталар умри, ҳаёт тажрибаси ёшларга ибрат, шогирдларга мулк, андоза. «Яхшиларга эргашсанг етарсан муродга, ёмонларга эргашсанг қолармасан уятга». Бу кекса дунё асли шундай яралган.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.


МУҲАББАТГА ЙЎҒРИЛГАН ОҚШОМ

ЧИРЧИҚ шаҳрида фаолият олиб бораётган Анвар Ғаниев раҳбарлигидаги «Жайрон» эстрада қўшиқлари дастаси ижодий жамоаси вилоятда энг сара жамоалардан ҳисобланади. Куни кеча ижодий жамоа тақдим этган «Муҳаббатга йўғрилган оқшом» деб номланган янги концерт дастури барчага манзур бўлди. Ижодий гуруҳ нафақат ўзбек халқ қўшиқларини, балки, афғон, эрон, тожик куй ва қўшиқларини ҳам маҳорат билан ижро этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЯ АТАЛУР...

ПИСКЕНТ туман маданият уйи «Оқолтин» ашула ва рақс дастасининг «Ўзбекистон дея аталур» деб номланган адабий мусиқий томошаси ватанимиз тараққиёти, янгиланиш йўлидан бораётган юртимиз, яратиш ишқи билан меҳнат қилаётган халқимиз турмуш тарзи тараннум этилганлиги билан ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда. Мусиқий дастур шу кунларда вилоят маданият муассасаларида кенг томошабинлар оммасига тақдим этилмоқда.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.



Бугунги Тошкент. Газета-журналлар мажмуи биноси.

Д. АҲМАД олган сурат.

ЙЎЛОВЧИЛАР МИННАТДОР

С. РАҲИМОВ номидаги шоҳ бекатдан ҳар куни Халқободга бориб келамиз. Аввалари кичкинагина бўлган янги бекат 1989 йили 1 июнда ишга тушган эди. Шу бугунга келиб у 16-йўналиш бўйича хизмат қилади. Бекат кўриниши шаҳримиз жамолига жамол қўшиб турибди. Олти йил давомида барпо қилинган узумзорлар, гулзорлар, мевали дарахтлар яшнаб турипти. Бекат ишчиларининг йўловчиларга бўлган муомалалари, меҳрибончиликларини кўриб яйраб кетасан киши. Йўловчиларга ташкил қилинган қулайликлар — магазинлар, она-бола дам олиш уйлари, ҳар хил йўлланмалар берувчи тавсияномалар уларга яхши кайфият улашади. Йўловчиларга кутиб ўтириш учун озода дид билан безатилган фаелар мавжуд. Радиоузеллардан ахборот бериб турилади. Бунда, албатта, шу ишга масъул ўртоқларнинг хизмати катта. Шунинг учун ҳам кўпчилик йўловчилар ишбилармон бекат хизматчиларидан миннатдор бўлмоқдалар.

Р. РАҲМЕТОВ,
Янгийўл туман, «Халқобод» қўрғони.

Футбол

«ПАХТАКОР»НИНГ КАТТА ЮТУҒИ

Олий тоифадаги командалар ўртасида республика чемпионатининг 17-давра ўйинларида «Пахтакор» футболчилари «Политотдел» командаси дарвозасига олти тўп киритиб, ўз дарвозаларидан бирорта ҳам тўп ўтказмадилар.

Бу натижа — 17-даврадаги рекорд кўрсаткич бўлди. Чунки, қолган ғолиб командалар устунлиги бу қадар сезиларли бўлмади. Самарқанднинг «Динамо» командаси «Машъал»ни, Наманганнинг «Навбаҳор» командаси «Янгиер»ни, «Сўғдиёна» командаси «Трактор»ни 1:0 ҳисобида енгди.

«Нурафшон» ўз майдонида Марғилоннинг «Атласчи» командаси дарвозасига иккита тўп киритди. Термиз армия спорт клуби футболчилари Кўқоннинг «Темирйўлчи» командасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. «Нефтчи» эса, бу гал «Чирчиқ» командаси билан учрашувда дуранг натижа (1:1) кўрсатиб, пешқадамлигини сақлаб қолди.

(ЎзА).

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

Ўн етти турдан сўнг олий табака жамоалари қуйидаги ўринларни эгаллаб турибдилар:

Ўрин	жамоалар	очко
1.	«Нефтчи»	— 42
2.	«Нурафшон»	— 40
3.	«Навбаҳор»	— 39
4.	МҲСК	— 37
5.	«Пахтакор»	— 32
6.	«Сўғдиёна»	— 26
7.	«Наврўз»	— 22
8.	АСК	— 21
9.	«Динамо»	— 18
10.	«Трактор»	— 18
11.	«Политотдел»	— 17
12.	«Янгиер»	— 16
13.	«Атласчи»	— 15
14.	«Темирйўлчи»	— 12
15.	«Чирчиқ»	— 12
16.	«Машъал»	— 10

Тўпурарлар баҳсида МҲСК хужумчиси Ойбек Усмонхўжаев ҳамон пешқадамлик қилмоқда. Унинг ҳисобида 16 та тўп бор. Пахтакорчи Равшан Бозоров шу кунгача 12 та тўп киритди.

МИЛЛИОНТАСИ СУВ ҚАЪРИДА ЁТИПТИ

КЕМАЛАР қадим замонлардан денгизлар, уммонлар бўйлаб сузиб юрган. Уларнинг дастлабкилари қачон яратилганлигини ҳеч ким аниқ айтолмайди. Улар доим инсонларга хизмат қилган, узоғини яқин, манзилига боришни енгил қилган. Шамол кучидан фойдаланиш, ички ёнар двигателларни ишлатиш туфайли такомиллашиб бораверган.

Айни вақтда кемаларнинг ҳалокатга учраши, дом-дараксиз, изсиз йўқолиб кетиш ҳоллари ҳамон тез-тез учраб туради.Сизни ҳозирги вақтгача неча та кема сув қаърига ғарқ бўлганлиги қизиқтирса керак. Америка уммоншунослари Рехницер ва Терриларнинг ҳисобларига қараганда бутун кишилик тарихида ҳалокатга учраган кемалар сони миллионтадан кам эмас (антик дунё кемалари ҳам ҳисобга киради).

1902 йилдан бошлаб то бизнинг кунларгача ҳар йил ўрта ҳисобда 400 та кема ҳалокатга учрамоқда. Ўтган асрнинг ўрталарида эса ҳар йили йўқотилган кемалар сони уч мингтага яқин бўлган. Демак, уммон ва денгизларнинг ҳар 10 квадрат метрига бир чўккан кема тўғри келади.

МЎЪЖИЗАДАН БОШҚА НАРСА ЭМАС

ГОНДУРАСДАГИ Сейба шаҳрида жойлашган «Висента Д Антони» клиникаси шифокорлари содир бўлган бу воқеани мўъжизадан бошқа нарса эмас, деб баҳоламоқдалар. Янги туғилган қизалоқнинг буваси ва бувиси ҳам шундай ҳисоблашмоқдалар.

Бу — қизиқ

Исми Клаудиа Милагро (Клаудиа мўъжиза) деб қўйилган чақалоқ онаси корнида икки ойлик бўлганида волидаи муҳтарамаси ўтган йилнинг янги йил байрами тунида фалокатга учради: уни автомобиль уриб кетди.

Нейрожарроҳ Лисандро Вальенинг ҳикоя қилишича, шифокорларни мудҳиш воқеадан кейин бир неча кун ўтгач чақиришган, бу вақтга келиб унинг мияси қаттиқ жароҳатланган эди, бемор оғир бехуш ётарди. Ярим йил давомида уни венаси орқали боқишди. Июнь ойида эса қизи Клаудиа жарроҳлик йўли билан оламга келди. Ўша вақтдаги вазни бир килограммга етар-етмас эди. Бироқ ҳозир унинг ҳолати яхши ва дуруст ўсмоқда. Онаси эса ҳамон хушсиз, уни ўзига келтириб бўлмайди, дейишяпти шифокорлар.

Онаси оғир аҳволда бўлишига қарамай, унга фарзандини кўрсатишган. Ўз қизалоғи турганлигини билгандай она имоишора қилди, деб ёзади «Труд» газетаси.

ИСИТИЛАДИГАН КЎПРИК

ЛОНДОН шаҳри атрофида узунлиги 860 метр бўлган улкан кўприк курилган. Бу иншоотнинг ажойиб бир хусусияти бор: у электр токи ёрдамида автоматик тарзда иситилади. Албатта, ҳаво ҳарорати пасайиб кетганда шундай бўлади. Масалан, ҳаво совиб, кўприк юзаси намланиб ҳарорат уч даражагача пасайса, иситувчи тизим ишга тушади, натижада кўприк музламайди. Бу билан турли хил транспорт ҳаракати билан боғлиқ бўлган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинади.

КЎПЧИЛИКНИНГ КЎМАГИ

МЕҲР-ОҚИБАТ юксак инсоний фазилатлардан ҳисобланади. Бу олижаноб ҳислатлар қадри, айниқса, киши бошига иш тушганда билинаркан.

Шу кунларда «Роватак» қишлоғида яшовчи Мубор ая Жаннатиллаевалар хонадонидагилар ана шундай ҳолни бошдан кечирмоқдалар.

Яқинда бу хонадон аъзолари бошига катта кулфат тушди. Ёнғин чиқиб, уйлари вайрон бўлди. Гувоҳларнинг айтишларича, кечки соат олтиларда содир бўлган ёнғин тез кучайиб, уйдан бирорта нарса олиб чиқиб бўлмади.

Оқибат

Мана шу дамларда «Роватак» маҳалласидаги каттаю кичик, ёшу қари ҳамқишлоқлари бошига тушган кулфатдан бирдек қайғурдилар, ёрдамга шошилдилар. Маҳалла аҳлини уюштиришда Қорасув қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раҳмат Рўзиев «Роватак» маҳалла қўмитаси раиси Абдураҳмон Саидаҳроровлар яхши ташкилотчилик қилишиб, кўпчиликка бош-қош бўлдилар.

Маҳалла аҳли ҳашар уюштириб хонадон аъзоларига баҳоли қудрат моддий ёрдам беришга қарор қилди.

Аҳолидан йиғилган ўн минг сўмдан зиёд пул Мубор аяга топширилди. Маҳалладан чиққан тадбиркорлар, бошқа мутахассислар зарур бўлган қурилиш материаллари олиб бериш ҳаракатига тушишган. Уй-рўзғор учун зарур бўлган бошқа нарсаларни ҳам юракдан чиқариб, тақдим этаётганлар оз эмас.

Туманда тузилган махсус комиссия бахтсиз ҳодиса оқибатларини ўрганиб чиқди ва шунга асосан туман ҳокими Қ. Деҳқонбоев, М. Жаннатиллаевага 20 минг сўм ёрдам пули бериш ҳақида қарор қабул қилди. «Роватак» деҳқон хўжаликлари уюшмаси бошқаруви ҳам имкон даражасида ёрдам кўрсатмоқда. Кўпчиликнинг кўмаги билан бу хонадон аввалгидек яна яшнаб кетишига ишонамиз.

У. ҲАМИДОВ,
М. БОЗОРАЛИЕВ,
Ўртачирчиқ тумани.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир муовини: Раҳимберди УМАРОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48. Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Руйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0337. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.30. 1 2 3 4 5 6